

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**



**ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН  
МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИДА  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВАЗИФАЛАРИ**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

ТОШКЕНТ - 2019

*Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 1023- сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.*

**Тузувчилар:** фалсафа фанлари доктори, профессор **Исмоил Саифназаров**  
сиёсий фанлари доктори, профессор **Ибодулла Эргашев**  
фалсафа фанлари доктори, профессор **Матлуба Кахарова**

**Такризчилар:** фалсафа фанлари доктори, доцент **Тўлқин Алимардонов**  
фалсафа фанлари доктори, профессор **Азамат Мухторов**

*Ўқув-услубий мажмуа Бош илмий-методик марказ Илмий-методик Кенгашининг 2019 йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	16
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	23
IV. КЕЙСЛАР .....	132
V. ГЛОССАРИЙ .....	134
VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	146

# I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## Кириш

Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифаларини ўрганишда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида ушбу соҳа бўйича эришган ютуқлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов томонидан мамлакатимизнинг миллий тикланиш босқичида жамият ривожига ва таълим-тарбияга доир янги назарий-концептуал ғояларнинг илмий асосланишини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов жамият ривожига ва таълим-тарбия масаласига янги ғоя ва қарашлар билан ёндашиб, демократик жамият ривожини таълим ва тарбия масалалари билан боғлиқ эканлигини ҳам илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб берди.

Ўзбекистон демократик ривожининг янги, миллий юксалиш босқичида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан жамият ривожига ва таълим тарбия масалалари юзасидан замонавий демократик ривожланишнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, туб сифат ўзгариши нуқтаи назардан кенг қамровли ислохотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттирар экан, унинг амалий, конструктив характерига ҳамда танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ўта муҳимлигига катта аҳамият қаратмоқда.

Ўзбекистон демократик тараққиётининг маънавий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишларининг белгиланиши, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғоясининг ўртага ташланиши, Халқ ва виртуал қабулхоналар, Давлат хизмати агентликларининг ташкил этилиши, халқ билан давлат раҳбарининг бевосита мулоқотининг йўлга қўйилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни янада ривожлантиришнинг янги амалий усули сифатида намоён бўлмоқда.

Ушбу дастурда маъмурий ислохотлар концепцияси, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва

Олий таълим тизимларини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари, Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларининг мазмун-моҳияти, таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг муҳим омили эканлиги, ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусининг ҳозирги кундаги муҳим аҳамиятини тингловчиларга етказиш назарда тутилган.

Дастур давлат сиёсатининг устувор йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлиги, уларнинг мамлакатда олиб борилаётган жадал демократик ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ва сиёсий – фалсафий маданиятини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулининг мақсади:** Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларига доир янгича ғоя ва қарашларининг илмий асосланганлигини кўрсатишдан иборат. Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчиларининг таълим ва тарбия жараёнларининг ташкилий методологик асослари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, жамият ривожланишига доир ҳамда таълим-тарбия жараёнига Ўзбекистоннинг демократик тараққиётида белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги айрим муаммолар ва камчиликларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш кўникма ва малакаларини, янгича онг ва дунёқарашни таркиб топтиришдан иборат.

“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” **модулининг вазифалари:**

- жамият ривожланишига доир янгича ғоя ва қарашларнинг илмий

асосланганлигини ёритиш;

- жамият ривож ва таълим-тарбия масалаларининг методологик асосларини таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- бозор муносабатларига ўтишда халқимизга ва жамиятимизга хос миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳисобга олинганлигига эътибор қаратиш;

- жамият ривожда таълим-тарбия ва миллий юксалиш масалаларининг методологик асослари мазмун ва моҳиятини тўғри идрок этиш;

- давлат раҳбарининг демократик жамият ривожда таълим-тарбия ва миллий юксалиш жараёнларига тегишли концептуал ғояларини жорий этишнинг таъсирчан ва самарали усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш;

- демократик жамият ривожланишининг шарт-шароитлари, глобаллашув, таълим-тарбия соҳасидаги айрим муаммоларни таҳлил этиш;

- Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишларини таҳлил этиш;

- халқ қабулхоналари ва виртуал марказлар ташкил этилишининг амалий аҳамиятини очиб бериш;

- 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг мазмун-моҳиятини ўрганиш;

- ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини таҳлил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусининг мазмун-моҳиятини очиб беришдан иборат.

### **Модул бўйича қўйиладиган талаблар**

“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривож ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифаларни;
  - миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятларини;
  - мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини;
  - Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегияси ва унинг устувор йўналишларини;
  - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишларини;
  - 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини;
  - Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ҳамда Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияларини;
  - олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишларини;
  - Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини;
  - ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишларини;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусини *билиши* керак.

**Тингловчи:**

- Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривож вазифалари асосида таълим-тарбия соҳасидаги топшириқларни амалга ошириш;
- мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммоларни таҳлил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тушунтириб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини очиб бериш;
- “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғоясини тушунтириб бериш;
- БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенциясини очиб бериш;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусини ёритиб бериш;

– давлатимиз раҳбарининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларни амалиётга татбиқ этиш *кўникма ва малакалариغا* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

– 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси асосида ОТМ\факультет\кафедрани ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусини олий таълим муассасаларида жорий этиш;

– маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш *компетенциялариغا* эга бўлиши лозим.

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модули назарий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, савол-жавоб, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган бўлиб:

– машғулотларда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида такдимотлар ва электрон-дидактик материаллардан фойдаланиш;

– ўтказиладиган машғулотларда экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида



олий таълим вазифалари” модули мазмуни ўқув режадаги “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг мамалакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар, Президентимизнинг маъруза, мурожаатнома ҳамда асарлари бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифаларига доир концептуал ғояларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий-фалсафий асосларини ўрганиш, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий малакага эга бўладилар.

### МОДУЛ БЎЙИЧА СОАТЛАР ТАҚСИМОТИ

№	Модул мавзулари	Ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Жами	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
				жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожини ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар	2	2	2	-	-	-
2.	Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси	2	2	2	-	-	-
<b>ЖАМИ</b>		<b>4</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### **1-мавзу: Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривож ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. (2 соат)**

Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – миллий тикланиш омили сифатида. Жамият ривожидан демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

### **2-мавзу: Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси – миллий юксалишнинг асоси (2 соат)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислохотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислохотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ҳамда Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш. Маънавий-

маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларининг мазмун-моҳияти. Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
8. Каримов.И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш оstonасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг бахту иқболи ва буюк келажакни йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар.**

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. Муаллифлар гуруҳи. – Тошкент: Маънавият, 2019.

27. Салимов О. ва бошқ. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. - Тошкент, 2019.

28. Отамуродов С., Отамуродов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

29. Отамуратов С. Глобаллашув: Миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралар).–Тошкент: “O’zbekiston”, 2018. – 352 б.

30. Қуронов М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2019 йил 23 август.

31. Саифназаров И. Обидов А. Динлараро ҳамжиҳатлик-ижтимоий барқарорлик омили. –Т.:Иновацион ривожланиш, 2018.

### **IV. Интернет сайтлари**

32. <https://president.uz> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.

33. <https://www.gov.uz> - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.

34. <https://strategy.uz> – “Тараққиёт стратегияси” маркази веб-сайти.

35. <http://ziyonet.uz> – Ziyonet таълим портали.

36. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий веб-сайти.

37. <http://lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий веб-сайти.

38. <http://senat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати расмий веб-сайти.

39. <http://uza.uz> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги портали.
40. <http://huquqburch.uz> – Ҳуқуқий ахборот портали.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

**Машғулотлар жараёнида “Ақлий ҳужум” ва “Хотирани чархлаймиз” усуллари қўлланилади.**

<b>Ақлий ҳужум</b>	- (брейнсторминг – мия бўрони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йиғиш
<b>Усулни асосий ғояси</b>	- ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил қилиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг ҳатти-ҳаракати учун бу ғоя асосий кўрсаткич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф қилишга ундайди. Хотирани чархлаймиз усули бўйича саволлар экранда намоёниш қилинади. <b>(1-мавзу, 1а- илова); (1-мавзу, 1б- илова);</b>
<b>Қоидалари</b>	- имкони борича кўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни қайд этиш.
<b>Таълим берувчи</b>	- иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ҳа-йўқ сўзлари билан); - сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тўсқинликни йўқотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказди (блиц сўров). Қатнашчиларни жавобларини таҳлил қилади умумий хулоса беради. - ҳар бир жавоб текширилади <b>(1-мавзу, 2- илова)</b> - хулосалар чиқарилади <b>(1-мавзу, 3- илова)</b>
<b>Фидбэйк</b>	- ҳар бир ғояни муҳокама қилиш; <b>(2-мавзу, 2-илова)</b> - энг тўғри ғояларни қўллаб-қувватлаш <b>(2 мавзу, 3-илова)</b>



**Хурматли тингловчилар қуйидаги саналар сизга нималарни эслатади  
Ҳамкорликда хотирамизни чархлаймиз марҳамат !**

- |                       |                       |
|-----------------------|-----------------------|
| ➤ 1989 йил 21 октябрь | ➤ 1989 йил 24 июнь    |
| ➤ 1990 йил 5 июнь     | ➤ 1990 йил 24 март    |
| ➤ 1990 йил 21 март    | ➤ 1990 йил 20 июнь    |
| ➤ 1991 йил 18 ноябрь  | ➤ 1991 йил 31 август  |
| ➤ 1992 йил 8 декабрь  | ➤ 1991 йил 29 декабрь |
| ➤ 2010 йил 12 ноябрь  | ➤ 1997 йил 29 август  |

**1-мавзу бўйича саволлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари тўғрисидаги янги гоялар.
2. И.Каримов асарларида демократик жамият ривожланишининг илмий асослари.
3. Жамият ривожланишида маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигининг асосланиши.
4. Мустақиллик ва жамият ривожланишининг янги назарий концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши.
5. Мустақиллик ва жамият иқтисодий негизларининг тубдан ўзгариши.
6. Жамият ривожланишида мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигининг аҳамияти.
7. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор вазифалари
8. Ўзбекистон миллий тикланиш даврининг ютуқ ва камчиликлари.

## БИРГАЛИКДА ТЕКШИРАМИЗ

1989 йил 24 июнь	И.Каримов Республика ҳукумати мажлисида “Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” деб, қатъий баёнот берган.
1989 йил 21 октябрь	“Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинган.
1990 йил 5 июнь	Ўзкомпартиянинг XXII съездида И.Каримов таълим-тарбияга эътибор қаратиб, Халқ таълими, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳаси тубдан янги ёндашувларни талаб қилиши бўйича маъруза ўқиган.
1990 йил 20 июнь	Ўзбекистон ССР Олий Советининг XII чақириқ II сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинган
1990 йил 21 март	Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланди.
1991 йил 31 август	XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг VI-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган. “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.
1991 йил 18 ноябрь	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.
1991 йил 29 декабрь	Референдум. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилган.
1992 йил 8 декабрь	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган.
1997 йил 29 август	Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар таёрлаш миллий дастури қабул қилинган.
2010 йил 12 ноябрь	Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинган.



**Қуйидаги саволларга аниқ ва асосли жавоб беринг.**

1. Ўзбекистон Республикаси қандай ривожланмоқда?
2. Қўлга киритаётган натижаларимизни нима учун бутун дунё тан олаётир?
3. Халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўринни эгаллаётганининг боиси нимада?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА  
ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ: ИЖТИМОЙ ҲАЁТДА АМАЛГА  
ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР**


**ХУРМАТЛИ ТИНГЛОВЧИЛАР, ҚУЙИДАГИ САНАЛАР БИЛАН  
БОҒЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЁДГА ОЛАМИЗ**

- 2016 йил 8 сентябрь
- 2016 йил 9 сентябрь
- 2016 йил 14 сентябрь
- 2016 йил 18 октябрь
- 2016 йил 4 декабрь
- 2016 йил 5 декабрь
- 2016 йил 30 декабрь
- 2016 йил 7 декабрь
- 2016 йил 14 декабрь



	<b>ЖАВОБЛАРИМИЗНИ АНИҚЛАШТИРАМИЗ</b>
<b>2016 йил 8 сентябрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Вақтинча Президентлик вазифасини бажаришга киришиш.
<b>2016 йил 9 сентябрь</b>	2016 йилнинг 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.
<b>2016 йил 14 сентябрь</b>	2016 йил 14-сентябрда янги таҳрирда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонун қабул қилинди. <i>Қонун 4 боб ва 33 моддадан иборат.</i>
<b>2016 йил 18 октябрь</b>	Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл» мавзусидаги Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи
<b>2016 йил 4 декабрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни
<b>2016 йил 5 декабрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг брифинги. Сайлов натижалари эълон қилинган кун.
<b>2016 йил 30 декабрь</b>	Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Мамлакатимиз илмий жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда “Илм-фан ютуқлари ватанимиз равнақига хизмат қилсин” мавзусида маъруза қилди.
<b>2016 йил 7 декабрь</b>	Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ манфаатларининг гарови” нутқи
<b>2016 йил 14 декабрь</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси. Иннаугурация маросими.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТ ҲАЁТИ СОҲАЛАРИДА АМАЛГА ОШРИЛГАН ТУБ  
ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ЎТГАН 28 ЙИЛ МУҲИМ ЮТУҚЛАРГА  
ЭРИШИЛДИ. УНИ СИЗ ҚАНДАЙ ИЗОҲЛАЙСИЗ?**



**2-мавзу бўйича саволлар:**

1. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик.
2. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ” эканлиги.
3. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор вазибалари.
4. Халқ ва виртуал қабулхоналарнинг ташкил этилиши
5. Ёшларнинг Ўзбекистон жамияти ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва фаол иштирокини таъмилаш омиллари
6. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ва инсон капиталини ривожлантириш масалалари
7. Таълим-тарбия ривожини - жамиятни модернизациялашнинг, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омили сифатида
8. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш стратегиясининг асосий йўналишлари

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ БОСҚИЧИДА ЖАМИЯТ РИВОЖИ ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ВАЗИФАЛАР

##### РЕЖА:

- 1.1. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
- 1.2. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.
- 1.3. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

**Таянч иборалар:** мустақиллик, мустақил демократик тараққиёт, миллий тикланиш, сиёсий институтлар, мафкуралар хилма-хиллиги, миллий ғоя, цивилизацион ёндашув, онг ва тафаккур ўзгариши, ижтимоий ҳаёт асослари, демократия ва жамият ривожланиши моделларининг хилма-хиллиги, Ўзбек модели, маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сайлов қонунчилиги, такомиллаштириш, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, либераллаштириш, демократик бозор ислохотлари, декларация, концепция.

##### 1.1. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли.

**Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари.**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий, ижтимоий сиёсий, мафкуравий-маънавий соҳаларда тараққиёт ва янгиланишнинг ўзига хос ҳамда ўзига мос йўлини танлади. Республикамизнинг бозор

иқтисодиётига ўтиш тажрибаси, «ўзига хос ва ўзига мос» тараққиёт йўли, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий анъаналаримизга асосланган янги давлатчилик назарияси, миллий тикланиш ғояси, истиқболда мўлжалланган стратегик масалалар, минтақавий ва халқаро сиёсат, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва мавқеи каби долзарб масалалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистонда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлат хусусиятлари, демократия ва халқ руҳияти, демократик тамойиллар ривожини, маданиятлар ва цивилизациялар синтези, фуқаролик жамияти тизимини шакллантириш йўллари, миллий мафкура зарурати ва унинг негизлари, миллий кадрларни тиклаш, неча минг йиллик тарихимизни ўрганишнинг концептуал ғоялари асослаб берилди. Халқимиз 25 йиллик истиқлол даврида эришилган барча ютуқ ва натижаларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг номи ва фаолияти билан узвий боғлиқ ҳолда кўради. Бутун Ўзбекистон болалари – менинг фарзандларим деб билган, мамлакатимизнинг келажаги замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, истеъдодли, изланувчан ёшлар қўлида эканини чуқур англаган ҳолда, у киши ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришга хизмат қиладиган, навқирон авлодни тарбиялаб вояга етказишнинг янги тизимини шакллантириш ҳамда ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди. Ислоҳ Каримов ҳам мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожланиш қонунуниятларини асослаб, ўз асарларида муҳим назарий-концептуал ғояларни ишлаб чиқди.

Маълумки, Ислоҳ Абдуғаниевич ўз раҳбарлик фаолиятининг мазмунига айланган «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган эзгу ғояни илгари сурган ва бу шиор барчамизнинг, бутун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган эди. Улуғ йўлбошчи ана шу буюк вазифани ҳамма вақт, ҳар қандай вазиятда ҳам шараф билан адо этди, бу йўлда беқиёс куч-ғайрати ва ақл-заковатини, керак бўлганда ҳатто азиз жонини ҳам аямади. Кўпни кўрган халқимиз айнан Ислоҳ Абдуғаниевич раҳбарлигида ғоят мураккаб тарихий даврда мамлакатимиз мустақилликка эришганини, миллий давлатчилигимизни тиклаш ва дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш, ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларини ислоҳ қилиш борасида улкан ютуқларни қўлга киритганини, буларнинг барчаси эркин ва фаровон



хаётимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини ҳеч қачон унутмайди<sup>1</sup>.

**Албатта жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ходисаларга муносабат хилма-хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигимизнинг биринчи кундан бошлаб, ҳаётимизнинг барча жабхаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби атамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустақиллик, айти пайтда, миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.**

1991 йилда Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Шу кундан эътиборан жаҳон харитасида янги мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Дарҳақиқат, “Бундан йигирма саккиз йил олдин Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. Ўтган қисқа даврда жонажон Ўзбекистонимиз машаққатли, шу билан бирга, шарафли истиқлол йўлини босиб ўтди.

Бугун бир ҳақиқатни катта ғурур ва ифтихор билан айтишга тўла асосимиз бор: мард ва матонатли халқимиз қанчалик қийин ва оғир синовларга дуч келмасин, ўзининг мустаҳкам иродасини намоён этиб, ўзи танлаб олган мустақиллик йўлига доимо содиқ бўлиб келмоқда<sup>2</sup>.

Давлат ва жамият бошқаруви мураккаб жараён бўлиб, уни ташкил этиш ва бошқариш бўйича турли хил моделлар, бошқарув шакллари ҳамда йўллари ишлаб чиқилган. Инсоният томонидан минг йиллар давомида “тараққийпарвар давлат”, “комил жамият” барпо этиш ғояси илгари сурилган. Шу асосда ўтган асрдан бошлаб жаҳон амалиётида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ташкил этиш бўйича амалиёт бир неча давлатлар тажрибасида қўлланилиб, ҳаётда ўз самарасини берди. Бугунги кунда эса ўз суверенитетига эга бўлган кўпгина мамлакатлар учун бундай йўл энг мақбул мақсадга айланди.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси. // Ислом Каримов - Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси. –Т.: Ислом Каримов номидаги республика Хайрия жамоат фонди 2018. -10 б.

<sup>2</sup> Қаранг: Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” мавзуидаги нутқида ушбу ғоянинг моҳиятига алоҳида тўхталдилар.

Жонажон Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихида янги давр – эркинлик ва озодлик, миллий тикланиш ва тараққиёт даври бошланди.

Албатта, ушбу ютуқларнинг қўлга киритилишида Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тарихий хизматлари беқиёс бўлганини бугун барчамиз, бутун халқимиз такроран эсга олишимиз табиийдир.<sup>3</sup>

Маълумки, Ислом Каримов республикамиз раҳбари сифатида иш бошлаган<sup>4</sup> пайтда (1989 йил 23 июнь) ўлкамизда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва фақат хом ашё етказиб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодий сиёсат ҳар бир соҳада ўзининг ҳалокатли салбий таъсирини кенг миқёсда кўрсата бошлаган эди. Манбалардаги воқеликка эътибор қаратилса ўша даврнинг оғир ва аянчли ижтимоий-сиёсий манзарасида қуйидаги ҳолатни намоён қилади. Жумладан, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифокдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида бўлган. Ўзбекистон ҳар киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турган, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифокдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст бўлган. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолган. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифок даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этиб, даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифокдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турган. Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилар, ойига ўрта ҳисобда 5 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга борган эди. Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган, мактаб ва касалхоналарнинг

<sup>3</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/981>

<sup>4</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.:Ўзбекистон, 2011. 327 б.

60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган жудаям ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар юзага инқироз ҳолатига келган бир шароит эди. Республикамиз асосан хом ашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланиб ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмас, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмасди.

Республикамиз раҳбари этиб сайланган Ислон Каримов ишга киришган куннинг эртасигаёқ, яъни 1989 йил 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Бу нутқ моҳият эътиборига кўра Ислон Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи экани билан ҳам алоҳида тарихий аҳамиятга эгадир. Ушбу чиқишда Ислон Каримовнинг сиёсий етакчига хос барча фазилатлари яққол намоён бўлади. Ўзининг кескин танқидий ва амалий руҳи билан ажралиб турадиган мазкур нутқида Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир хулосага келади. «Биз бундан буён эскича яшайолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», деб янги лавозимга қандай улўғ мақсад ва масъулият билан киришаётгани, ўз фаолиятида ислохотчилик, эл-юртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очиқ баён қилади. 25 июнь куни эса Ислон Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичида қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва кишлоклар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради.

Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фарғона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай қонли фожиа ҳисобидан обрў топиш, ўзининг ғаразли манфаатларига эришишга, халқимизни бадном қилишга уринган кимсалар кўп бўлган. Ислон Каримов бу борада куйиб-ёниб, асл ҳақиқатни катта дард ва жасорат билан баён қилади, фожиа оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади ва изчил амалга оширади. Жумладан, Тошкентда ва Москвада бўлиб ўтган катта анжуманларда, шунингдек, матбуотдаги чиқишларида бу масалада қатъий позицияда туриб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: «Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта, ўзининг адолатли ҳукмини

чиқаради. Байналминалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган»<sup>5</sup>

Вақт ва ҳаётнинг ўзи Ислом Абдуғаниевич Каримов замонамизнинг етуқ сиёсатчиси, дунёда ва турли минтақаларда юз бераётган ўта мураккаб воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини давлатчилик нуқтаи назаридан кўра оладиган, ўз юрти ва халқи учун, ҳар бир ватандошимизнинг тақдири учун улкан масъулият туйғусини теран ҳис этадиган атоқли раҳбар эканини ҳар томонлама тасдиқлади. Миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали даврида, турли зиддиятлар авж олган, мамлакатимизда миллатлар ва фуқаролар ўртасида уруш хавфи юзага келиб, иқтисодиёт оғир аҳволга тушиб қолган, мухтасар айтганда, эски тузумнинг умри тугаб, янги замон бошланаётган бир пайтда олиб борилган бошқарув ва давлат сиёсати, том маънодаги тарихий ислохотлар Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг кейинги тақдири ва тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанамизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади. Буюк йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай, тарихан қисқа даврда Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди<sup>6</sup>. Мустақил давлат сифатида ривожланиш йўлимизнинг асосий принциплари, умуммиллий шиорига айланиб кетган «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат», «Мустақиллик – бу аввало ҳуқуқдир», «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун», «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди», «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» каби машҳур иборалар сокин кабинетларда эмас, аксинча, ана шундай шиддатли курашлар,

<sup>5</sup> Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989 йил 19 августдаги XVI пленумида сўзланган нутқдан.

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида. Тошкент шаҳри 2017 йил 25 январь.

тинимсиз баҳс ва мунозаралар, аччиқ ҳаётӣ тажрибаларда туғилганини англашда мустақил Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик санасида Ўзбекистон нашриёти томонидан нашр этилган ва Мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихига алоқадор бўлган 35 та фактик далилий материалларни қамраб олган “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” деб номланган китоб ғоят муҳим манба вазифасини бажаради. Жумладан, ўлкамиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, юртдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш заруратини чуқур англаган Ислом Каримов аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани – одамларга томорқа ер бериш масаласини кун тартибига қўяди. 1989 йил 17 августда республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинади ва «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Ушбу тарихий ҳужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди. Бундан ташқари, юз минглаб гектар суғориладиган ер техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш плани 700 минг тоннага камайтирилди. Бу – пахта яккаҳокимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.<sup>7</sup> 1989 йилнинг сентябрь – октябрь ойларини тасаввур этиб кўрайлик. Ахир бу давр собиқ совет тузумининг образли қилиб айтганда “қамчисидан қон томиб турган” вақт эди. Чунки бу даврда Болтиқбўйи, Кавказорти мамлакатларида мустақиллик учун бўлган дастлабки курашлар бошланган, жуда қалтис сиёсий вазият ҳукрон бўлган пайт эди. Ўзбекистонда ҳам бундай ҳаракатларнинг

<sup>7</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, - 2011.

бошланиши ўз-ўзидан Москвага ёқмаслиги, кучли эътирозлар ва қарама-қаршилиқлар бўлиши табиий эди. Аммо Биринчи Президентимиз ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш ташаббуси билан чиқиб, кучли ирода ва қатъий журъат билан ҳимоя қилиб, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилинишига эришган. 1989 йил 21 октябрь Ўзбек тилини давлат тили деб қонуннинг қабул қилиниши мустақил тараққиёт йўлига ўтишдаги энг муҳим сиёсий қадамлардан бири бўлди. Мустақиллик даврининг энг улуғ имконият ва неъматларидан бири бу ўзбек тилининг ўз ерида обрў-эътибор топиши, Давлат тили мақомини олишидир. Тилнинг давлат тили мақомида бўлиши шу давлатнинг мустақиллигини кўрсатувчи муҳим шартлардан биридир. Бугун ер юзида 7000 га яқин тил ва лаҳжа бўлса, улардан бор-йўғи 178 таси давлат тили мақомига эга. Улар орасида ўзбек тили ҳам борлиги бизнинг бахтимиз, фахримиздир.

Тил – ўзаро муомала, алоқа воситаси, тафаккур қуроли. Бироқ халқ учун у - бебаҳо қадрият, миллат ғурури. Тил – миллатнинг онги ва тафаккури, хотираси, руҳияти, маънавий-маданий қиёфаси, миллий қадриятлари, ўтмиши, ташқи оламга муносабатининг инъикосидир. Тилнинг миллат, давлат, жамият тараққиётидаги ўрни жуда муҳим. Зеро, бу тушунчалар ўзаро диалектик боғлиқ ва ўзаро алоқадордир. Миллат, давлат, жамият тараққий қилар экан, унинг она тилига бўлган эътибори ва меҳри кучая боради. Давлат, жамият ривожини, биринчи навбатда, тилда, ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт тилдаги тараққиётни белгилаб беради. Мустақиллик йилларида ўзбек тилининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, қўлланиш доираси ниҳоятда кенгайди. Бу даврда ўзбек тили ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасига ҳеч қандай тўсиқларсиз эркин кириб борди. Бугунги кунда миллий тилимиз сиёсий, маданий, иқтисодий соҳаларда, илм-фан, спорт, ҳарбий тизимда кенг қўлланилмоқда. Айниқса, илмий, илмий-оммабоп, бадиий асарларни ўзбек тилида, янги алифбода чоп этиш ва кенг тарғиб этиш сиёсати ўзбек тилига бўлган ҳурматни жойига қўйди.

Дунё халқлари янги давр тарихини кузатсак, уларнинг кўпчилиги ўз миллий мустақиллиги учун курашни ўз она тилига давлат тили мақомини бериш учун курашишдан бошлаганлигини кўраемиз. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш каби Англиянинг, Африкадаги Франциянинг, Америкадаги Испаниянинг мустамлакалари бўлган давлатларда она тилига давлат тили мақоми бериш учун курашлар йиллар давом этган. Аммо, афсуски, уларнинг

барчаси ҳам ҳали ҳануз ўз ниятига эришган эмас. Шунинг учун бу қонунни мустақиллигимиз йўлидаги дастлабки қадамлардан бири сифатида, улкан сиёсий, тарихий воқеа сифатида эътироф этишимиз, унинг қадрига етишимиз шарт. Ўтган 28 йилга назар ташласак, миллий тилимизга муносабат ва эътиборнинг қанчалик ўзгарганлигига гувоҳ бўламиз. **Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг истиқлолга эришиш, шу юртда яшаётган, унинг ривож, истиқболи учун жон куйдираётган ҳар бир инсоннинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, ўзликни англаш, миллий ифтихор ҳиссининг шаклланиши миллат тилининг мустақиллиги, эркинлиги билан боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.**

1990 йилда умумхалқ тантанаси сифатида “Наврўз” байрамини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Республикада инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида 21 март Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш, байрами анъаналарига биноан, ҳар бир фуқарога иззат-икром кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий салоҳияти жадал ўсиб, жаҳонда муносиб ўрин эгаллашида, халқаро муносабатларда катта нуфузга эга бўлишида мустақиллик арафасидаги оғир ва машаққатли синовлар, курашлар, тараққиёт сари интилишларнинг аҳамияти беқиёс эканини халқимиз, халқаро ҳамжамият яхши билади. Давлат ва жамият ҳаётидаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш кечиктириб бўлмас аҳамиятга эга эди. Чунки ўша вақтларда СССРнинг тақдири ҳал бўлаётган эди. Марказ раҳбарлари халқни ҳар хил сиёсий йўллар ва куч билан кўрқитиб, иттифоқни сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган, иттифоқни тиш-тирноғи билан сақлаб қолишга интилаётган қора кучлар миллий низоларни авж олдириш учун барча имкониятларини ишга солган оғир йиллардан бирида мустақиллик декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон халқининг истиқлолга бўлган интилиши, орзу-умидлари рўёби ифода этилган Мустақиллик декларацияси Ўзбекистон Олий Кенгаши

томонидан 1990 йил 20 июнда собиқ СССР таркибига киритилган республикалар ичида биринчилардан бўлиб қабул қилинди.

Бу ҳужжатнинг тарихий аҳамияти шундан иборат эдики, у ўзбек давлатчилиги тарихидаги биринчи тинч йўл билан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжат эди. Унга кўра, ўзбек халқи давлат бошқарувида ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб ўз зиммасига олган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланиб, ўзининг «Мустақиллик декларация»сини эълон қилди. Ва бундан буён Ўзбекистон ўзининг ташқи муносабатларида, давлат ҳокимияти масалаларини ҳал этишда танҳо ҳокимлигини, унинг чегаралари ва ҳудуди дахлсиз эканлиги, ўз тараққиёт йўлини, ўз номини, давлат рамзларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этиши ва демократик ҳуқуқий давлат ташкил топганлигини бутун дунёга маълум қилди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий янгилашиш истиқболлари режаларини белгилаб берди. Чунки, батамом мустақилликни қўлга киритиш учун маълум бир вақт талаб қилинар эди. Сир эмаски собиқ иттифок марказида бунга қарши жуда катта кучлар тайёр бўлиб турар эди. Мана шундай оғир бир вазиятда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов зиммасига жамиятнинг мураккаб ички ва ташқи сиёсий шароитларида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат ҳуқуқи масалаларини ҳал қилишга даъват этилган, унинг қайта ўзгартирувчиси бўлишдек ниҳоятда оғир вазифани юклади. Шундай вазиятда ҳам Ислом Каримов ўзини буюк раҳбар сифатида кўрсатди.

Мустақиллик декларациясида ўзбек халқининг бир неча минг йиллар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси, анъаналари эътиборга олинган бўлиб, бу ҳужжат мамлакатда мустақиллик учун ҳаракатнинг турли исёнлар, урушлар ва қон тўқишлар билан эмас, балки қонун устуворлиги ва юксак тамаддун тамойилларига амал қилган ҳолда кечишини таъминлаб берди. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатлари ривожланишида муҳим роль ўйнади. Шунингдек, айнан мазкур ҳужжат Ўзбекистон қонунларини Иттифок қонунларидан устиворлигини ҳам таъминлаб, Ўзбекистоннинг 1991 йил 31 августга қадар мавжуд бўлган бошқарув,



хуқуқий фаолиятини, барча соҳада мустақил сиёсат олиб бориш имконини берди.

Шу ўринда, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш тарихига бир назар ташласак. Мустақиллик декларацияси асосида Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш таклифи илгари сурилди. Шу мақсадда, Конституция комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассисларни ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилди.

Мустақиллик декларацияси тамойиллари асосида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуни, Бош қомусимиз қабул қилинди.

Ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва асрлар мобайнида шаклланган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдек олий мақсадларни ифода этган, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятлар ва демократик принципларга асосланган мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина бошлади.

Шу маънода, Мустақиллик декларацияси ўзбек халқининг бир неча асрлик орзу-армонларини ифода этиб, миллий мустақиллик ғоясини янада мустаҳкамлади, халқимизнинг истиқлол сари интилишида ўзига хос куч-қудрат манбаи бўлди.

Мустақиллик декларацияси 12 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети: ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда, Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон ССРнинг Давлат мустақиллигини эълон қилди.

Миллатнинг тараққиёти миллий мустақилликдир. Фақат мустақил бўлган миллатгина ривожлана олади. Шунинг учун ҳам республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов мустақиллигимиз шароитида “халқни маънавий-руҳий мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва

жамиятнинг энг муҳим вазифасидир”<sup>8</sup> деб таъкидлаган эди. Бугун Мустақиллик декларациясида назарда тутилган ва мустаҳкамланган тамойиллар амалга изчил татбиқ этилаётгани туфайли мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этилмоқда.

Мустақиллик бизга ўз тақдиримизнинг ҳақиқий эгаси бўлиб, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратди. Истиқлол йилларида кўхна тарихимиз, бой меросимиз, муқаддас динимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби олижаноб фазилатлар, Ватан тақдири ва келажагига дахлдорлик туйғуси халқимиз юрагининг туб-тубидан ўрин олди.

Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз. Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, маънавий қадриятларни ҳамда биз учун муқаддас бўлган диний қадриятлар ва анъаналарни қайтариш ва тиклаш, ўзлигимизни англаш анча мураккаб шароитларда – эски империя тузуми барбод бўлган ва янги ижтимоий муносабатлар қарор топаётган бир шароитда юз берди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги ўтган давр ичида мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, миллий-маънавий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, миллатимизнинг

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1993. -78 б.

Ўзлигини англаш жараёнлари, ўз миллий-маънавий меросни ўзлаштириш, миллий урф-одатлар, анъаналар, кадриятларимизни тиклаш ва муқаддас динимизнинг улкан имкониятларидан бахраманд бўлиш борасида ижобий ўзгаришлар амалга оширилди

Миллий ўзини англашнинг қарор топиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланиши билан бирга у жамиятнинг янгиланиб боришига, миллат эҳтиёжларининг кучайиб боришини таъминлайди, Миллий ўзликни англаш: ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишига миллий ўз-ўзини англаш, дейилади. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, кадриятларни шакллантириши ва давлат атрофига бирлашишлари мумкин. Миллий ўз-ўзини англаш даражасига кўтарилиш мураккаб жараён бўлиб, у миллий онгдан фарқ қилади. Миллий онг ҳар бир миллатнинг ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари ва маънавиятининг пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб боришининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўз навбатида миллий онгнинг ривожланиб бориши ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши даражасига кўтаради. Миллий онг миллатни ўзига хослиги асосида ривожланиб боришдаги кўрсаткич бўлса, миллий ўз-ўзини англаш манфаатларни ҳимоя қилишда ҳаракатга келтирувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятдир<sup>9</sup>.

Собик, совет жамиятининг парчаланиб кетиш “тажрибаси” миллий ўзликни англашни миллатларни этник бирлик тарзида бирга яшашлари шароитларида ҳам байналминалликни англаш ролини сунъий бўрттириш орқали “юқоридан” кўриладиган ҳеч қандай чоралар билан бўғиши мумкин эмаслигини кўрсатди.

Миллий ўзини англаш этник умумийликни англаш ва бошқа этносларнинг мавжудлигини эътироф этиш; миллий кадриятлар, тил, она ер, маънавиятга содиқлик; ватанпарварлик; миллий мустақиллик ва миллатни ривожлантиришга интилиш ҳамда миллий манфаатларни англаш ва уни ҳимоя қилиш салоҳияти кабилардан ташкил топади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ўзбеклар

---

<sup>9</sup> Қаранг: Отамуродов С., ва б. Миллий ва руҳий тикланиш. .Т.: Янги аср авлоди, 2003.

билан ёнма-ён яшаётган миллатлар ва элатлар манфаатларини ҳисобга олиш давлат сиёсатида етакчи ўринга кўтарилди. Бу ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ И.А.Каримов “...озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ва ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамият турмушида фаол қатнашиш”, сиёсий соҳадаги вазифалардан бири эканлигини таъкидлаган эди.

Маълумки, ўзбек халқи мустақилликка эришмасдан олдин, етмиш йилдан ҳам кўпроқ вақт давомида бир қатор сиёсий ва мафкуравий зўравонликларга асосланган жамиятда яшаб келди, шу сабабли у беҳисоб моддий ва маънавий зарар кўрди, не-не азоб-уқубатларни бошдан кечирди, халқимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари маҳв ва қатағон этилди. Биринчи президент Ислоҳ Каримов бу қаттол тузум ва халқимизга етказилган мафкуравий зўравонликлар тўғрисида шундай фикр билдирган эди: «Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йиллик даврни бошимиздан кечирдик» ва «...бу тизимнинг ягона мақсади – шу режимга керак бўлган мафкурани кишилар онгига зўрлик билан сингдириш эди»<sup>10</sup>. Бундай мафкурани ўзига қурол қилиб олган мафкур кучлар ҳеч бир халқнинг манфаати, бахт-саодати, жамиятнинг ривож топиши тўғрисида қайғурмайдилар. Шу боис ҳам собиқ совет давлатининг вужудга келиши жараёнидан тортиб, то унинг ҳалокатга учрағунига қадар фақат миллий республикалардан чиққан миллатпарварларни қириш, улар онгига “байналминалликни” сингдириш давом эттирилди. Миллатпарварлар миллатчиликда айбланган, шовинистлар эса “байналминалчи”, деб ҳисобланган. Миллат ичидан чиққан миллатпарвар зиёлиларга турли туҳматлар қилиб уларни қириб юбориш, миллатнинг салоҳиятини заифлаштириш собиқ совет давлати сиёсатининг асосий йўналиши бўлганлигини қуйидаги аниқ маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихини аниқ ҳужжатлар асосида ўрганган Хайдарали Узоқовнинг келтирган маълумотларига қараганда “1936 йил охири ва 1937 йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан 5758 нафар зиёли журналист, ёзувчи, педагог, давлат, жамоат арбоблари,

---

<sup>10</sup> Каримов И.А. Хушёрликка даъват. Фидокор / 29.06.1999.

аслзодалар “аксил инқилобчи” “халқ душмани” сифатида қамокқа олинди, булардан 4811 таси отиб ташланди. Биргина 1937 йилнинг ўзида қамокқа олинган 291 зиёлидан 161 таси журналист ва ёзувчи, 40 таси савдо ва маданият ходимлари, қолганлари ўқитувчилар ва санъат ходимлари эди. Шоир Боту 1929 йилда “Маориф ва ўқитувчи” журнаlining 7-сонидан босилган “Тил луғати бойисун”, деб аталувчи лингвистик мақоласидаги: “Мактаблардаги таълим олаётган ўқувчиларимизга ажнабий сўзлар ўрнига кўпроқ ўзимизнинг сўзларимизни ўргатайлик, янги сўзларни ўзимиздан кидирайлик, зарур бўлса арабча, форсча сўзлардан чўчимайлик ... сингари фикрлари учун қатағонлик гирдобига итарилган эди.”<sup>11</sup> Биргина 1937—1939 йилларнинг орасида ички ишлар ходимлари томонидан 6920 та зиёли қамокқа олинган ва отиб ташланган. Бу сиёсатнинг бошида турган КПСС ўзининг пинҳоний кўрсатмаларида миллий онг ривожланиши, миллатнинг ўзлигини англашга йўл қўймаслик учун ўта маккорлик билан иш олиб борганлиги собиқ КПССнинг қуйидаги ўта махфий ҳужжатида ўз ифодасини топган. Ундан парчалар келтирамыз: 27-банд. Маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан раҳбарларнинг оммавий чиқишларида миллий бўёк берилишига йўл қўйилади, аммо у миллатнинг ўсишига, бирлашувига хизмат қилмаслиги керак. 35-банд. Бошланғич ва ўрта мактабларда ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томондан белгиланган кишиларни қўйиш керак. Тарих дарсларида ўтмишдаги сиёсатдонлардан кимлар Ватан равнақи учун хизмат қилган ёки хизмат қилишга урингани ҳақида гапириш мумкин эмас, эътиборни фақат подшолар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чекланган ҳолда ўтилиши керак. 44-банд. Иш жойларида етук мутахассислар ишдан олинishiга ҳамда улар ўрнига чала мулла ва мулоҳазасиз ходимлар қўйилишига эришмоқ даркор. 45-банд. Олий ўқув юртларида шундай кишиларни қабул қилишга эришиш керакки, улар халқнинг оми қатлаמידан бўлишсин ва уларни мутахассислик бўйича чуқур билим олиш эмас, балки фақат диплом қизиктирсин.”<sup>12</sup> Собиқ шўро давлати, унинг раҳбар ва етакчи кучи КПССнинг қандай даражада миллатимизга нисбатан ўтказиб келган

<sup>11</sup> Қаранг: Узоқов Х. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи. 1900-1940 йиллар (журналистлар фаолияти мисолида), тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациянинг автореферати. Тошкент, 1996, 40-41- бетлар.

<sup>12</sup> Қаранг: Турон тарихи. Оммабоп мажмуа. 1993, 4-бет

зўравонлик сиёсатининг моҳияти, йўналиши ва амалиёти аниқ кўриниб турибди. Собик совет давлати сиёсатида миллий ривожланишга қарши олиб борилган тадбирлардан яна бири – ислом динига қарши курашиш эди. Унга қарши кураш “зарурияти” ислом динининг халқ дунёқараши ва маънавиятининг ажралмас қисми сифатида қабул қилинганлиги ҳамда унинг миллатни уюштирувчи омил даражасига кўтарилганлиги эди. Ҳатто собик шўро давлатининг миллатларни ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам марказ итоатида ушлаб туришга қаратилган сиёсати умрининг энг сўнгги пайтларида миллатларнинг ислом динига эътиқоди сусайган эмас эди. Ўша даврларда ҳам зўравонликка қарамай, дин билан боғлиқ бўлган турли расм-русмларни ўтказиш давом этиб келган.

Миллатнинг мустақиллигини, унинг ўзига хослигини фақат миллий ғоялар, уларнинг моддий кучга айланиши натижасида таъминлаш мумкин бўлади. Миллий ғоя ҳар бир инсоннинг ўзини англаши жараёнида шакллана бошлайди.

Миллий тараққиёт – эволюцион характерга эга, у миллатнинг шаклланиши, такомиллашиши ва юксалиши каби узлуксиз жараёндир. Миллий тикланиш, миллат тараққиёти тарихининг маълум бир босқичида маълум сабаблар оқибатида бой берилган салоҳиятни қайтадан миллат тараққиётига йўналтириш билан боғлиқ бўлган жараёндир. Жамият ривожидида миллий тараққиёт моделининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Чунки айнан миллий тараққиёт модели халқ, миллат томонидан маъқулланган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ривожланиш йўллари, давлат бошқариш усуллари, минтақавий ва глобал интеграция стратегияси тушунилади. У миллий давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида оид, ички хусусиятидан келиб чиқадиган концептуал ғоя, ривожланишнинг назарий андозаси, амалий муаммоларини ҳал этиш механизмларининг мужжассамдир. Унинг марказида миллий тараққиёт манфаатлари, ушбу манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш чора-тадбирлари туради.

Миллий тикланиш – у ёки бу миллат ҳаётида содир этиладиган, зўравонлик йўли билан унинг авлод-аждодлари томонидан яратилган мерос, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлардан маҳрум этилган, тарихий хотираси топталган, миллий ўзликни англаши чекланган, манфаатлари, мақсадлари, паймол этилган, тарихий тараққиётнинг маълум босқичига келиб эса ўз мустақиллигини қўлга киритиш натажасида миллий ривожланиш борасида

ана шу бой берилган имкониятлардан фойдаланиш, яратилган барча моддий ва маънавий бойликларни миллий ривожлантиришга йўналтиришга қаратилагн умуммиллий фаолиятдир. Миллий тикланишнинг асосий йўналиши тарихий тараққиётнинг маълум босқичида у ёки бу миллат томонидан миллий тараққиёт борасида бой берилган имкониятларини мустақилликни қўлга киритиш шарофати билан яна миллий ривожланишнинг асосий манбаига айлантириш борасидаги умуммиллий ва миллий ўзликни англаш жараёни фаолияти билан боғлиқдир.

Мустақиллик миллий ўзлгимизни, ор-номус ва ғуруримизни, инсоний кадр-қимматимизни қайта уйғотди, она тилимизни, динимизни, қадрият ва анъаналаримизни қайтариб берди. Қадимий тарихимиз, миллий давлатчилигимиз тикланди. Миллий тикланиш деганда миллий ўзлик туйғусининг уйғониши ва тобора мустақамланиб бориши тушунилади. Миллий ўзликни англаш мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутди, миллий онг инсонда Ватанга муҳаббат ҳис-туйғусини оширишда, ҳар томонлама комил инсон шахсини тарбиялашда бебаҳо ички омилдир.

Миллий ўзликни англаш тарихни ўрганишдан бошланади. Тарихни билмасдан туриб инсон ўзлигини топиши амри маҳолдир. Ўзининг миллий давлатчилик, миллий маданият ва маънавият тараққиётининг тарихий тажрибасини ўзлаштирмаган халқ миллий тикланишга қодир эмас. Миллий ўзликни англаш ва миллий тикланиш орқали биз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли ҳал эта оламиз.

Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда. Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий

маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. Тарихий тажриба, анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши - буларнинг барчаси янгидан янги авлодларни тарбиялайдиган кадриятларга айланиб қолмоғи лозим.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Моддий фаровонликка табиий интилиш миллатнинг маънавий ва ақлий ўсиш эҳтиёжига ғов бўлмаслиги лозим. Маънавийлик ва маърифийлик халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди. Бизнинг анъанавий кадриятларимизни ҳозирги демократик жамиятнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равнақ топишимизнинг, жамиятимиз жаҳон ҳамжамиятига қўшилишининг гаровидир.<sup>13</sup>

Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари тарихига назар ташласак, бу давр мамлакат фуқароларининг ўзлигини англаш йиллари бўлди, дейиш мумкин. Чунки мустабид тузум кишиларнинг ўзлигини англаш жараёнини жиловлашдан манфаатдор эди. Аҳоли, айниқса, ёшларнинг тафаккур тарзини ислоҳ этиш, уларни касб-ҳунарли қилиш, йигит-қизларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида шакллантирилиши ҳар қандай мустабид тузумнинг табиатига мос келмасди. 1989 йил 19 август куниниёқ Ислом Каримов бу ҳақда шундай деган: “Агар одамлар иш билан банд бўлмасалар, иш бўлмаса – бу офатдир, айниқса, ёшлар учун офатдир. Бекорчилик сабабли улар жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларга йўл қўядилар, жиноятлар содир этадилар, безорилик қиладилар. ...Биз янги авлодни тарбияламоқдамиз, уларнинг кўпчилигини эса касб-ҳунари йўқ, меҳнат қилишга ўрганишмаган. Бу кишилар бизнинг ўрнимизни эгаллашлари керак. Уларнинг тақдири қандай бўлади? Ким ҳозир бу ҳақда ўйляпти?”<sup>14</sup>.

Маълумки, мустабид тузум даврида, унинг охириги йилларида халқимиз, айниқса, зиёлиларимиз коммунистик мафкура, унинг аянчли асоратларидан шу даражада бешиб қолган эдики, натижада бизга ҳеч қандай мафкуранинг кераги йўқ, дейишгача бордилар.

<sup>13</sup> И.Каримов. Том 6. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.:Ўзбекистон, 2011. – Б. 60-61.



Биринчи Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданок миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ҳамда буюк келажагига ишонч эканлигини, жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилишини бот-бот такрорлади. Шу ўринда И.Каримовнинг 1993 йил 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган қуйидаги фикрларини эътиборга олишни лозим топдик: “Муқаддас истиқлол орзуларини амалга ошириш ва давлатимиз мустақиллигининг илк бунёдкорлари сафида бўлиш сиз билан бизга насиб этди. Ўзбекистон ўзининг буюк келажаги йўлида дастлабки тарихий қадамни қўйди. Энди ана шу йўлдан қатъият ва сабот билан қадам ташлайлик.

Олдимизда турган энг муҳим масала, бу – миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир”<sup>15</sup>. Таъкидлаш лозимки, халқни уюштириш, чорлаш, бирлаштириш, Ўзбекистонда яшайдиган, миллати, тили, динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига даъват қилиш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ҳамда анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва покдил инсонларни тарбиялаш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсади, деб белгиланди. Ҳақиқатан, ягона, тўғри йўлни, мақсадни, мафкурани, ғояни топишдан ҳам қийинроқ иш йўқ. Бугун яқин ва узоқ минтақалардаги айрим давлатларда содир бўлаётган қон тўкишлар, ижтимоий-сиёсий беқарорлик, одамлардаги тушкунлик — буларнинг барчаси, шубҳасиз, ўша мамлакатларнинг ўз йўлини топа олмаганлигидан, дейиш мумкин. Шу ўринда Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озод ҳамда обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборат бош мақсаднинг белгиланиши, миллий истиқлол мафкураси асосий ғояларининг илмий жиҳатдан ишлаб чиқилганлиги, бунда миллий менталитетимиз, миллий урф-одат, анъана, қадриятларимизга, айниқса, халқимизнинг туб манфаатларига мос стратегик йўлнинг танланганлигини муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин. Ўзбекистонда маърифатли жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, маънавият ва маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилиниши ҳам ҳар бир фуқарода буюк келажак

<sup>15</sup> Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. –Т.: Ўзбекистон, 1993. - 9 б.

қуриш, ўз фуқароларига муносиб турмуш ҳамда ҳаётни барпо қилишга бел боғлаган ҳар қандай мамлакат, энг аввало, фуқароларида ўз тафаккурини ислоҳ этишга эҳтиёж туғдириши лозим.

Иккинчидан, мустақиллик йилларида замонавий билим ҳамда тафаккурга, соғлом дунёқарашга эга, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга тайёр ёш авлод шаклланди. Улар ўз кучига, салоҳиятига ишонапти, ён-атрофга очик кўз билан қараб хулоса чиқармоқдалар, мустақил фикрга эгалар, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаш, ахборот-коммуникация технологиялари, интернетдан фойдаланишга устувор аҳамият бераётир. Буларнинг барчаси ёшларимизда мустақил фикрни уйғотаяпти, шакллантирмоқда. “Одамлар адолат учун жон беради, адолат учун курашади, адолат учун ўзини ҳам аямайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ана шундай мардлар ўсиб, вояга етмоқда. Мен бугунги ёшларимизни кўрсам, хаёлимга шундай фикрлар келадики, эй, сизлар бошқача тарбия оляпсизлар! Мутлақо бошқача! Бизнинг ёшлигимизда бундай имконият ва шароитлар йўқ эди. Чунки биз бошқача даврда яшаганмиз, бошқача мафқуранинг маҳсули бўлганмиз”<sup>16</sup>.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Ўзбекистон мустақиллик туфайли мустақил демократик тараққиёт йўлини танлади. Ўзига хос ва мос тараққиёт, демократик ҳуқуқий давлат қуриш вазифаларини амалга оширишга киришди. Шунингдек, мустақилликнинг ўтган йиллари миллий тикланиш йиллари бўлди. Бу халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, миллий маънавий қадриятларнинг тикланиш билан узвий боғлиқ. Бу мустақил демократик тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

## **1.2. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.**

2010 йилнинг 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”<sup>17</sup>сида қуйидаги

<sup>16</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.:Ўзбекистон, 2015. - 239 б.

<sup>17</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 8-54 б.

устувор вазифалар белгилаб олинди ва муайян даражада мамлакатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар самарадорлигини оширишга эришилди:

**Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш** борасида Конституцияга давлат тузилиши ва бошқаруви тизимини яратишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ваколатларни тақсимлашнинг принципиал жиҳатдан янги, энг олий демократик принципларга мос келадиган ҳуқуқий механизмига асосланган бир қатор жиддий ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш назарда тутилган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг янги таҳририда мустаҳкамлаб қўйилиши билан конституциявий тартибга мувофиқ Бош вазир номзоди парламент сайловида ғалаба қозонган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча партия томонидан кўрсатилиши натижасида ижро этувчи ҳокимиятни шакллантириш ва унинг фаолият кўрсатиш тизими принципиал жиҳатдан ўзгарди. Бу ўринда фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти бўлган сиёсий партиялар ҳал қилувчи роль ўйнай бошлади, Конституцияда назарда тутилган тўғридан-тўғри халқ ҳокимиятининг конституциявий механизмлари рўёбга чиқди. Бир сўз билан айтганда Олий Мажлис ваколатларининг ортиб бориши бош вазирга номзод кўрсатишнинг демократик принципларининг мустаҳкамланиши масалаларига эътибор қаратилди.

Олий Мажлис томонидан Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш, парламент институтининг жорий этилиши, ҳукуматнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан парламент олдида мунтазам ҳисобот бериши (Конституциянинг 78-моддасига ўзгартиш), шунингдек Президентнинг Ҳисоб палатаси Раисини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳуқуқи (Конституциянинг 93-моддаси) парламентнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимидаги роли ва ўрнини маълум даражада кучайтирди, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатлари ва назорат қилиш соҳасидаги вазифалари кенгайиб, мамлакатимиз олий қонунчилик органи амалга оширадиган қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларининг сифатига нисбатан талаб ошди.

Концепцияда кўтарилган бир қатор конституциявий ташаббусларини рўёбга чиқариш ҳуқуқий давлатнинг жуда муҳим принципи сифатида ҳокимиятларни тақсимлаш конституциявий принципини изчил амалга ошириш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини такомиллаштириш, парламент палаталари фаолиятининг ва улар янги демократик шароитларда ижро этувчи ҳокимият билан ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишининг самарали механизмларини яратиш ва амалга оширилишини назарда тутган.

**Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш** борасида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни ва суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар назарда тутилган бўлиб хусусан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритиш таклиф этилган ўзгартишлар ва қўшимчаларга мувофиқ жиноий ишларни судга қадар юритув босқичида дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан суд назорати кучайтирилиши, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чоралари учун санкциялар бериш ваколатлари прокуратурадан олиниб, қўшимча равишда судга ўтказилиши, жиноят ишларини қўзғатиш ҳуқуқини суд ваколатларидан чиқариш ва биринчи инстанция судида иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш суднинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, жиноят ишларининг кўриб чиқилиши вақтида холислик, беғаразлик ва адолатни, жиноят процессида тортишув принципини таъминлашга қаратилган масалаларни қамраб олган эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилишга, жиноятчиликка қарши курашга, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятида қонун устуворлигини, қонунийликни таъминлаш бўйича қонунчиликка доир чора-тадбирлар қабул қилинган эди. Жумладан, "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш. Шунингдек, концепцияда давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, прокуратура органлари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлашда Адлия вазирлигининг ролини кучайтириш масалаларига урғу берилиб, ҳуқуқий таълим ва маърифатни,

жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга эътибор қаратилди.

Концепциянинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга доир қисмидаги таклифларни рўёбга чиқариш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини сақлашнинг юридик механизмларини яратишга, давлат ҳокимияти органлари устидан кенг жамоатчилик ва фуқаролар назоратини таъминлашга қаратилган.

**Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш** борасида соҳани янада демократлаштириш, сўз эркинлигини, ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ойдинлигини таъминлашга қаратилган Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги ва "Телерадио эшиттиришлар тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш ва амал қилиб турган бир қатор қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти билан боғлиқ ахборотлардан кенг хабардор бўлишини таъминловчи самарали ҳуқуқий механизмлар яратиш масалалари кун тартибига қўйилган.

Концепцияда илгари сурилган ташаббус оммавий ахборот воситалари фаолиятини янги босқичга кўтаришни, улардан фаолликни, аниқ йўналтирилган мақсадли фаолиятни ташкиллаштириш, ахборот соҳасида нодавлат секторни ривожлантириш бўйича тизимли ва босқичма-босқич фаолият давом эттириш, медиа бозорда ҳалол рақобатни рағбатлантириш механизмларини яратиш берилиши назарда тутган.

**Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш** бўйича сиёсий партиялар ўртасидаги кураш ва рақобатни, энг аввало, мамлакат парламентида сайловлар, ҳокимият вакиллик органларини шакллантириш вақтидаги кураш ва рақобатни кучайтириш, тўпланган тажриба сайлов тизимини янада демократлаштириш юзасидан тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутди. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб, сиёсий партиялар демократик тамойиллар

асосида фаолият юритишлари учун имкониятлар яратди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг ролини, нуфузини юксалтириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, жамият сиёсий тизимида, давлат бошқарувида сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик бошқа жамиятнинг институтларининг мавқеи юксалтириш, ижтимоий адолат тамойиллар устунлигини таъминлаш сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаши учун барқарор шарт-шароитлар яратишга қаратилди.

**Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш** борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат тузилмалари ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишининг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратишга, давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қонунларни, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг жуда муҳим дастурларини сўзсиз ижро этиш бўйича фаолияти устидан фуқаролик институтлари назорати, жамоатчилик назорати тизимини яратишга қаратилди

Давлат бошлиғининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунларни такомиллаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини янги таҳрирда қабул қилишга қаратилган қонунчилик ташаббусларида фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашда маҳалланинг ролини янада ошириш кўзда тутилди.

Демократия, ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти параллел ҳолда тараққий топадиган ҳамда бир-бирини тақозо қиладиган жараёнدير. Инсоннинг аксарият ҳуқуқ ва эркинликлари айнан фуқаролик жамияти доирасида мужассамлашади. Мана шунинг учун ҳам демократик тараққиётдаги мамлакатларда фуқаролик жамияти институтлари қонун доирасида қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда. Фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Жамиятда манфаатлар мувозанатини

таъминлашга кўмаклашиш билан бирга, давлат ва жамият бошқарувида муносиб иштирок этмоқда.

Ижтимоий организмнинг барча жабҳаларида ҳуқуқий саводхонликни ўстириш, ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусиятларини тезлаштириш ва қонунийликни таъминлаш фуқаролик жамиятига оид барча тузилмаларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Фуқаролик жамияти демократик сиёсий тизим шаклланишининг энг муҳим шарт, аҳоли ижтимоий фаоллигининг давлат органлари фаолиятига боғлиқ бўлмаган турли шакллари ўзи ичига олган мажмуа. У жамият тузилишининг ҳақиқий ҳолати ёки даражасини намоён этади. Фуқаролик жамияти категорияси жамиятнинг тузилиши ва ўзини-ўзи бошқариш нуқтаи назаридан сифат жиҳатидан янги ҳолатни ифодалайди, давлат ва шахс манфаатларининг муқобиллигини намоён этади. Бунда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида намоён бўлади. Давлат тузилмаларидан фарқли ўлароқ фуқаролик жамиятида вертикал (бўйсунмиш) эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ўртасида горизонтал алоқалар ва рақобат муносабати амал қилади. Фуқаролик жамияти – бу қонуниятли босқич, шахслар ўзини-ўзи намоён этишининг олий шаклидир. Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат ташкилотлар дастлаб жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариш ва уни мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари ва манфаатлари асосида пайдо бўлиб, ...давлат билан алоҳида фуқаролар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, демократиянинг қуйидан ривожланишини таъминлайди<sup>18</sup>. Улар жамият ишларини бошқариш борасида давлат фаолиятини тўлдирди, чунки, фуқаролик жамияти институтлари ўз кўлами, оммавийлиги ва мослашувчанлиги туфайли ижтимоий ҳаётда юзага келадиган муаммоларни аниқлаши ҳамда давлат идораларининг имкониятлари чекланган ўринларда, айниқса, маҳаллий даражада таъсирчан ҳаракат қилиши мумкин<sup>19</sup>.

Концепцияда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, уларнинг ошқоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, давлат ҳамда жамият қурилишида турли сиёсий ва ижтимоий ҳаракатлар, нодавлат

<sup>18</sup> Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. –Т.: 2009. –Б. 202.

<sup>19</sup> Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. –Т.: O'qituvchi, 2012. –Б. 187.

тузилмаларининг фаол, энг муҳими, амалий фаолияти учун кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди. Биринчи Президентимиз илгари сурган қатор муҳим қонунчилик ташаббуслари асосида қонунлар мажмуи, хусусан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида” ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунларда ижтимоий шерикликнинг у ёки бу жиҳатларига оид муайян қоидалар учраса-да, Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларнинг аниқ чегараларини акс эттирган, мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қиладиган ягона қонун қабул қилиш зарурати мавжуд эди. Бу, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти жадаллик билан юксалиб бораётган ҳозирги даврда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурилган таклифлар асосида 2014 йил 25 сентябрда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун 2015 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. Мазкур Қонунда ижтимоий шерикликнинг ташкилий, ҳуқуқий, институционал, молиявий жиҳатлари ўз ифодасини топган. У орқали давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга эришилади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашиш билан бирга, давлат ва жамият бошқарувида муносиб иштирок этмоқда. Ҳозирги вақтда фуқаролик жамияти институтлари иштирокида бир қатор қонунлар ишлаб чиқилди, айримлари қабул қилинди. “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Экологик назорат тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Мустақиллик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш



борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ушбу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг асосий негизини ташкил этувчи маҳалла институти фуқаролик жамияти институтларининг энг муҳим бўғини сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш** борасида иқтисодийда демократик бозор ислохотларини ва либераллаштиришни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланишини кўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Рақобат тўғрисида"ги ва бошқа қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш назарда тутилган эди. Банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилишга, қонун асосларини шакллантириш воситасида хусусий банклар ҳамда хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолия ташкилотлари каби молия институтларини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш режалаштирилиб, эркин бозор иқтисодиёти йўлида янада илгарилашга кўмаклашадиган "Кредит бюрolari фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида"ги, "Гаров реестри тўғрисида"ги, "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги, "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги, "Инновациялар ва иқтисодийни модернизация қилиш тўғрисида"ги қонунларни ҳамда Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ўзгаришларининг мантиқи ва суръатлари тақозо этаётган бошқа янги қонунлар қабул қилиш масалаларни амалга оширишни назарда тутган эди.

Умуман олганда, Концепцияда таклиф этилган давлат ҳокимиятини ташкил этиш, ижтимоий-сиёсий тузумни тубдан ислоҳ этиш мустақилликка эришилган кундан бошлаб Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган демократик ўзгаришларнинг ва миллий давлатни барпо этиш негизидagi жуда муҳим, базавий принцип - босқичма-босқич тадрижий ривожланиш принципининг мантиқий давоми бўлиб мазкур принцип Концепцияда баён этилган ислохотларнинг барча йўналишларини қамраб олишга қаратилган.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

### **1.3. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар**

– Совет мустабид тузуми даврида Ўзбекистон ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган, мустабид, қарам мамлакат эди. Бугун биз озод, эркин, демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар мамлакатга айландик;

–мамлакатимиз жар ёқасига келиб қолган, иқтисодиёти инқирозга учраган, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлигига асосланган давлат эди. Бугун эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, ривожланиб бораётган саноат индустриясига эга, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари чиқариб, жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакат;

– мустабид совет даврида ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмаган мустамлака “давлат” бўлсак, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустақкам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда ижтимоий тараққиётга оид тинчликсевар ташаббуслари билан тобора эътиборга сазовор бўлиб бораётган, ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга мамлакат сифатида ўз бўй-бастимизни намоён этмоқдамиз;

– мустақилликкача биз фақат собиқ “марказ”нинг “қош-қовоғи”га қараб иш тутадиган, мустақил равишда бирор нарсани режалаштиришга имкони бўлмаган, ҳаттоки, уни тасаввур этишга умиди бўлмаган одамлар эдик.

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланиш йўлидан борди. Ҳозирда эса ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига эга, мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислохотларни тобора чуқурлаштириб бораётган, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига айланаётган мустақил давлатмиз.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ишлардан яна бири – илм-фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларнинг таваллуд айёмлари нишонланишига ўзбек халқи давлатчилиги, илм-фани,

маданияти тарихини, мустабид тузум йилларида унутилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми сифатида қаралди.

Ислом олами донишмандлари Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225, Абу Мансур ал-Мотурудийнинг 1130, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920, Нажмиддин Кубронинг 850, Бурхониддин ал-Марғинонийнинг 910, Баҳовуддин Нақшбанднинг 675, Хўжа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг нишонланди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 1990 йил 2 июндаги “Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида”ги Фармонига биноан, 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон мусулмонлари Макка ва Мадинага ҳаж қилиш имкониятига эга бўлдилар. Президентнинг махсус Фармони билан Рўза ҳайити ва Қурбон ҳайити кунларининг доимий суръатда байрам қилиниб, дам олиш куни, деб эълон қилиниши ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг халқимизнинг қадимий анъаналарига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромининг белгиси бўлди. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.

Сиёсатшунос олимлар мустақиллик даври ривожланиш босқичларини шартли равишда компенсация, адаптация, интеграция ва инновация даврлари сифатида таҳлил қилишган. Жумладан, дастлабки, **компенсация ва адаптация** даври (1991-2000й.) – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишга қаратилган давр бўлиб, тўлдириш, таъминлаш, қоплаш, мослашиш, мувофиқлашиш, кўникма ҳосил қилиш маъноларида қўлланилади. Бу даврдаги ислохотларнинг асосий мақсади собиқ иттифок парчаланиши оқибатида марказлашган маъмурий бўйруқбозлик бошқарувига, коммунистик монопол зуғумга айланган мафкурага хотима ясаши натижасида мамлакатда ҳар томонлама юзага келган бўшлиқни тўлдиришдан иборат эди.

Жамиятнинг маънавий қиёфасини ўзгартиришга, ёш авлодни тарбиялашга қаратилган “Таълим тўғриси”даги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Тарихий маданий меросимизни тиклаш борасида улкан саъйи-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Бу даврда асосий эътибор ислохотлар тизимига татбиқ этилган янгиликларни босқичма-босқич эскиси билан алмаштириб боришга, аҳоли

дунёқарашини мустақил давлатчилик ва унда амалга ошаётган ўзгаришларга мослаштиришга, барча соҳаларда татбиқ этилаётган янгиликларга фуқароларнинг кўникиб, уларни ўзлаштириб олишига шарт-шароитлар яратишга ёрдам беришга катта эътибор қаратилди. Бу босқичлар икки даврий жараёнлар кесимида кузатилади. Биринчиси, бу миллий давлатчилик асосларининг жорий этилиши, сингдирилиши, такомиллашиб ҳаётга тадбиқ этилиш жараёнлари – **компенсация** даврини ўз ичига олса, иккинчи даврий жараён давлат бошқарув механизмлари белгиланган ислохотларни амалга ошириш имконияти ва самардорлигини амалда рўёбга чиқариши, айти пайтда, фуқаролар онгида янги кадриятларнинг қарор топиши, мустақиллик ғояларининг фаол эҳтиёжга айланиши каби ўзгариш ва мослашувлар жараёни – **адаптация** даври ҳисобланади.

**Интеграция** даври (2001-2007). “Интеграция” атамаси бирлашиш, кўшилиш, сингиш, умумжаҳон тараққиёти жараёнларига мувофиқ қадам ташлаш каби маъноларни қамраб олади. Жумладан, бу тушунча давр чақириқларига муносиб жавоб бериш, илм-фан ва технология янгиликларини амалий ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали илғор мамлакатлар сафидан жой олишга эришиш мазмунида қўлланилади. Айти пайтда ривожланган давлатлар тажрибасини амалда татбиқ этиш миллий иқтисодиётнинг умумжаҳон тизимига кириб боришига хизмат қилди.

Мазкур даврда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижаларини кўйидаги ўсиш тенденцияларида намоён бўлганлигини кўриш мумкин.

Бу даврга келиб ислохотлар самараси аҳоли турмуш даражасининг кескин равишда ўсишига олиб келди. Жумладан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган ҳаражатлар 1990 й. – 31,5%, 2000 й. – 42,5%, 2011 й. – 58,9%, 2016 й. – 59,1% ошди. Шундан таълимга ажратилган ҳаражатлар кўрсаткичи 1990 й. – 17,9%, 2000 й. – 23,2%, 2011й. – 33,4%, 2016 й. – 33,7% ўсди. Соғлиқни сақлаш бўйича 1990 й. – 10,0%, 2000 й. – 8,7 %, 2011 й. – 13,3, 2016 й.- 14% ошганлигига<sup>20</sup> гувоҳ бўламиз. Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси учун йўналтирилган давлат ҳаражатлари 5 баробардан зиёд ошди. Ҳар йили давлат бюджети ҳаражатларининг ярмидан ортиғи ижтимоий

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 9.

соҳага йўналтирилмоқда. 2004-2010 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури амалга оширилди. Мазкур босқичлар янги – инновацион даврнинг бошланишига замин яратди.

**Инновация даври** мамлакатимизда 2007 йилдан ҳозирги кунгача давом этиб келаётган учинчи босқич ҳисобланади. Ушбу даврнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистоннинг демократик ислоҳотлар йўлида янги тараққий этган индустриал ривожланиш босқичига қадам қўйиши билан белгиланади. Бу давр жаҳон тажрибалари ҳамда синовларидан ўтган, бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат ва жамият бошқарувининг энг илғор тамойилларини татбиқ этишга қаратилган янги босқични бошлаб берди. Ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди.<sup>21</sup>

2016 йилнинг энг улкан ютуқларимиздан бири бу - Қамчиқ довори орқали ўтган - Ангрен–Поп электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши бўлди. У Фарғона водийси вилоятлари ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ўртасида темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш имкониятини яратилди. Шу билан бирга, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур темир йўл орқали шу йилнинг ўзида 600 минг йўловчига хизмат кўрсатилди. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилди<sup>22</sup>.

Миллий тараққиёт тадрижийлик қонуниятларига бўйсундирилсагина истиқболли натижаларни беради. Бугун жаҳонда тан олинган “ўзбек модели” жамият ривожининг реал сиёсий ва ижтимоий қонуниятларга мос, мустақиллик ва ривожланишга юз тутаётган давлатлар учун энг мақбул йўл экани яна бир бор ўз исботини топди.

Сиёсатшунос олимлар Т.Алимардонов, Ф.Равшановларнинг тадқиқотларида мазкур давр муаммо ва ютуқлари қуйидагича баён этилган:

Собиқ иттифоқ республикаларидаги давлатларнинг тоталитаризмдан демократияга ўтиш жараёнлари анча таҳликали ва фожиали кечди. Мазкур

<sup>21</sup>Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

<sup>22</sup> Халқ сўзи газетаси. 23 Июнь 2016.

тажрибалардан қуйидаги хулосаларни (сабоқлар) чиқариш мумкин.

1. Жамиятда маъмурий-бўйруқбозлик тизимига барҳам бермасдан, демократик институтларни шакллантирмасдан, бозор иқтисодий инфраструктурасини яратмасдан, кучли ижтимоий ҳимоя мурватларини ташкил этмасдан, хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асосларини яратмасдан қонун устуворлигини орзу қилиш оқибатлари давлат мулкининг талон-тарож бўлишига, бой-камбағал қатламларининг ҳаддан ортиқ табақаланишига, ишсизликнинг ошишига, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

2. Собиқ иттифоқ давлатларининг деярли барчасида бўлиб ўтган миллий, этник, диний мажоралар буни ўз даврида исботлади. Тоталитар жамият зуғумидан азият чеккан халқлар иккинчи бир анархик тузоқнинг сиртмоғига тушишига олиб келди. Истиқболи мавҳум, умидсиз қолган фуқаролар эса, демократияга бўлган сўнги илинжларини ҳам йўқота бордилар.

3. Юқорида қайд этилган муаммолар ечимини топиш, истиқболли мақсад ва вазифаларни белгилаш, режалар тузиш, энг муҳими, амалда таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий пойдеворларини яратиш орқали эришилинади. Ваҳоланки, мустамлакачилик асоратларидан қутулиб улгурмаган халқ янги жамият асосларини тасаввур этиши қанчалик қийинлигини даврнинг ўзи исботлади.

4. Халқаро майдондаги давлатларнинг бирёқлама манфаатларга асосланган муносабати, мафкуравий ва иқтисодий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хуфиёна сиёсат ёш давлатларни ўз домига тортаётганлиги бугунда сир эмас. Халқаро майдонда ҳар хил ташкилотлар ниқоби остида кучли давлатлар томонидан амалга оширилаётган геосиёсат кўплаб мамлакатларнинг тараққиётини издан чиқариб юборилишига сабаб бўлди.<sup>23</sup>

**Мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар соҳасида эришилган натижалар билан бирга қуйидаги муаммолар сақланиб қолди:**

Биринчидан, жамиятда қонун устуворлигини амалда таъминлаш мураккаб кечди, адолат тамойиллари бузилиши, коррупция ҳолатлари муайян даражада авж олиши кузатилди. Объектив субъектив сабабларга кўра

<sup>23</sup> Т.Алимардонов. Мустақил тараққиёт босқичлари. Адолат газетаси. 2018 йил, 7 сентябрь сони.

Ўзбекистонда сиёсий тизимда ҳам, иқтисодий тизимда ҳам, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам либераллаштиришда муайян сустрасликлар юзага келди;

Иккинчидан, давлат идоралари билан халқ ўртасида узилишлар ва инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашда ҳам камчиликларга йўл қўйилди; хусусий секторни кучайтириш, қишлоқ жойларида фермер хўжаликларини кўпайтириш ва фермер хўжаликларининг оёққа туриб олишлари ҳамда уларга шароит яратиш бериш каби масалаларда фаол ишлар олиб борилсада, муайян мутассадиларнинг компетентсизлиги оқибатида қарийиб ижобий силжишлар сезилмади, ҳукумат мажбурий меҳнат муаммоси борлигини тан олди ва уни бартараф қилишга ҳаракат қилди. Маҳаллий ҳокимият идоралари одамларни жалб қилган мажбурий меҳнат бошқа секторларда ҳам учради.

Учинчидан, Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият, сиёсий, демократик ислохотларнинг кўнгилдагидек эмаслиги, хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга ўз сармояларини киритишни маъқул кўрмаганликлари;

Тўртинчидан, Қонун асосида цензура бекор қилинсада, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, танқидий таҳлилий мақолаларнинг йўқлиги, камчиликлар, оддий аҳолининг кўяётган саволларига шаффоф жавобларнинг йўқлиги, муаммолар мамлакат оммавий-ахборот воситаларида акс этмаслиги, объектив информация кўзга ташланмаслиги кузатилди;

Бешинчидан, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиқроғининг қишлоқларда яшаши, аксарият қисми турмуш тарзининг пастлиги, ўсиш суръати пасайиши сабаблари тўлақонли ўрганилмаганлиги, ишсизлик ҳолати, бандлик муаммоларининг ҳал этилмаслиги натижасида ноқонуний муҳожирликка кетиш кучайганлиги, қишлоқ шароити шаҳар шароитидан нисбатан қийинлиги эътибордан четда қолиш ҳолатлари кузатилди;

Олтинчидан, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ҳозирда ҳам сақланиб қолмоқда, хусусан:

- ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти; ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

- давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

- давлат бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда;

- хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари кўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

- ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат ноижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекламоқда ва оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламаяпти;

- айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда.<sup>24</sup>

Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёти миллий тикланиш босқичининг яна бир муаммоларидан бири, илм-фан, таълим-тарбияга эътиборнинг амалда камайиб кетганлиги эди, ваҳоланки қоғозда ҳаммаси жойида кўринарди. Бундай эътиборсизлик натижасида илм-фан, зиёлилар аҳлининг, ўқитувчилик касбининг обрўси пасайиб кетди, мактаб

---

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли фармони. <http://lex.uz/docs/3331174>



Ўқитувчиларининг ойлик маоши жуда камлиги учун билимли кишилар, айниқса эркак ўқитувчилар мактабларни тарк этишга мажбур бўлдилар, таълим-тарбия масалалари билан шуғулланиш аёлларимиз елкасига юкланди, ҳозирги кунда республикамиз мактабларида аёл ўқитувчилар сони 72 фоизни, Тошкент шаҳрида эса 90 фоиздан кўпроғини ташкил этмоқда. Албатта бундай ҳол бутун таълим тизими сифатига салбий таъсир қилмай қолмади, оқибатда ҳозирги кунда мамлакатимизда юқори малакали ёш кадрлар тақчиллиги кучайиб кетди.

Шунинг учун ҳам бугунги даврда туб ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу ислохотларнинг фуқароларга хизмат қилиши учун шарт-шароит яратиб беришга хизмат қилади. Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси – ўзимиз масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат. Шундай давр келди.<sup>25</sup>

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли ва унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?
2. Мустақил демократик тараққиёт йўлида миллий тикланишнинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
3. Мустақиллик арафасида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ҳолат.
4. Демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қандай?
5. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.
6. Мустақиллик декларацияси қабул қилинишининг мазмун моҳиятини тушунтиринг.
7. Миллий тараққиёт моделининг марказида нима туради.
8. Миллий тикланиш ва мустақил юксалиш даври босқичлари.
9. “Ўзбек модели”нинг мазмун моҳияти ва унга турли ёндашувлар.
10. Ўзбекистонда мажбурий меҳнат масалалари.

---

<sup>25</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. - 2017.

## 2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ АСОСИ

### РЕЖА:

2.1. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

2.4. Таълим-тарбия миллий юксалишнинг муҳим омили. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

**Таянч иборалар:** давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви, демократлаштириш, ҳаракат, ривожланиш, стратегия, ҳаракатлар стратегияси, олий мажлис, парламент, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, илм-фан, Мурожаатнома, сенат, илм-фан тараққиёти, ёшлар масаласи, диний маърифат, миллатлараро тотувлик, маҳалла, хотин-қизлар, оила институтлари, миллий юксалиш тушунчаси, таълим-тарбия тушунчалари, ўқитувчи мақоми, ижтимоий фаоллик, гендер тенглик, ёшлар маънавияти, маънавиятни юксалтириш, бўш вақт, спорт, китобхонлик, ташаббус, бешта муҳим ташаббус.

## **2.1. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари.**

Бугун Ўзбекистон ўзига хос тараққиёт йўлида янги босқичга қадам кўймоқда. Мамлакатимизда фуқароларга ўз иқтидорини кўрсата олиш ва орзуларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган тизим шаклланди. Амалиётга тадбиқ этилган қонун устуворлиги тамойили фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик хусусиятларини жонлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев мамлакат тараққиётининг комплекс дастурини илгари сурди. Бу ҳужжат «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»<sup>26</sup> деб номланди. Тарихий ривожланиш қонуниятлари аниқ ва тўғри мўлжали – стратегия жамият орзуларини реал ҳаётини натижаларга айлантириш мумкин бўлгани каби Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясига ҳам мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга оид истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи концептуал ғоялар асос бўлди. Мазкур Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш; қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш; иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш; ижтимоий соҳани ривожлантириш; хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш бўйича 5 та устувор йўналишлар белгиланди.

---

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Фармони.”// Веб-сайт Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси – [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

Ҳаракатлар стратегиясидаги Ҳаракат - сўзи арабча кўзғалиш сўзидан олинган бўлиб, Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш боқичида аҳолининг барча қатламини маърифатга, ташаббусга, ижодга тараққий этишга кўзғатиш, уйғотиш маъносида ишлатилган. Бундай кўзғалиш ҳаракат мамлакатни миллий юксалишга ривожланишга олиб боради. Ривожланиш – бу бир сифатдан иккинчи бир сифатга ёки бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишда табиат ва жамиятда содир бўладиган ўзгаришлар ҳамда ҳаракатлар тури. Ривожланиш жараёни ижтимоий ўзгаришдан бошланади. Ўзгаришлар ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маданий, сиёсий соҳалар орқали амалга оширилади. Яъни ҳар бир соҳанинг миқдорий, мазмунли, структуравий ҳолатининг алмашинуви натижасида сифат кўрсаткичлар вужудга келади. Лекин, ҳар қандай ўзгаришлар ривожланишни таъминламайди. Ўзгаришлар яхлит дастурлар билан ривожланишга олиб келади. Шундай қилиб, ривожланиш жамият тизимининг мураккаблашуви, такомиллашуви жараёнида ташқи шароитларга самарали мослашувчанлигида, воқелик кўламининг кенгайишида, бирон бир соҳадаги сон ва сифат ўсишида, уни амалда таъминлашнинг структуравий қурулмаларнинг вужудга келишида намоён бўлади<sup>27</sup>.

“Стратегия” тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб аслида “жанг санъати” маъносини билдиради. Бугунги кунга келиб “стратегия” кенг тушунчага айланиб, турли сиёсий-ижтимоий соҳаларда қўлланилмоқда. Жумладан, “Давлат стратегияси” сиёсий терминология сифатида бугунги кунда фан назарияси ва амалиёти даражасида ўзининг алоҳида тушунча ва категорияларига эга бўлиб:

- 1.) Узоққа мўлжалланган режалаштириш санъати;
- 2.) Бошқарув ва раҳбарлик маҳорат санъати;
- 3.) Сиёсий ва ижтимоий жараёнларни идора қилиш санъати;
- 4.) Аҳолини маълум мақсадлар сари сафарбар этиш санъати;
- 5.) Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш санъати;
- 6.) Тақсимлаш ва самарадорликни таъминлаш санъати каби тушунчаларни қамраб олади.<sup>28</sup>

Стратегия – бу таълимотни излаш, ифодалаш ва ривожлантириш тизими

<sup>27</sup> Қаранг: Алимардонов Т. Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистон миллий тараққиёти янги босқичида. Халқ сўзи. 29.01 2019 й.

<sup>28</sup> Буланова Е.А. Политика и стратегия в механизме государственного регулирования социально-экономических процессов. Вестник Чувашского университета. 2006 г. №3, С 148.

бўлиб, у изчиллик билан ва тўлиқ амалга оширилганда узок муддатли муваффақиятни таъминлайди.

Стратегия бу – стратегик фикрлаш, чуқур билим ва интуиция асосида муҳитни, келгуси шароитларнинг мавжуд прогнозларини тизимли таҳлил қилиш натижасидир. Ушбу таҳлилнинг якуний маҳсули – бу ўзидан аввалги прогноз, вазифа, нуқтаи назар, устуворликлар ва узок муддатли мақсадли вазифаларни режалаштириш орқали бажарилишини талаб қилади.

Стратегия бу – келажак ва номаълумлик парокандалиги орқали синовдан ўтган устуворликлар ва мақсадлар сари йўналтирувчи ғоялар мажмуаси. Бу ресурс чекланганлигини баҳолаш орқали ҳаракатларнинг тўғри танланган йўналиши билан бойитилган донишмандлик<sup>29</sup>.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар стратегик таълимотларга тўлиқ мос келади. Айни пайтда бу муҳим стратегия давлатимиз ва жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллик тантаналарига бағишланган маърузаларида муҳтарам Президентимиз – “Асосий қомусимиз негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда жонажон Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда, инновацион ва индустриал ривожланиш сари одимлашда беқиёс ўрин эгалламоқда”<sup>30</sup> деб, улкан ўзгаришларга даҳлдор янги ғояларни илгари суради.

Ҳаракатлар стратегиясининг етакловчи лақомотив кучи – бу давлат ва унинг органлари фаолияти мақсади. Ислохотларнинг гарови ва қафолати эса лаёқатли ҳокимиятнинг фаолияти билан боғлиқ ҳодиса.

**Ҳаракатлар стратегиясининг** биринчи устувор йўналиши давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, “Электрон ҳукумат” тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда тадбиқ этиш, фуқаролик

<sup>29</sup> Квинт В. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти. Т.; “TASVIR”. 2018 й. 18 б.

<sup>30</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2018.

жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришдир. Ушбу устувор йўналишда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш бўйича аниқ чоралар кўзда тутилгани ўта муҳим. Негаки, айнан ҳокимиятнинг вакиллик органлари Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ, стратегик вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг мустаҳкам ва самарали ҳуқуқий негизини яратишга ваколатли ҳисобланади. Бинобарин, бизнинг асосий мақсадимиз инсон, унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, шаъни олий кадрият ҳисобланган ҳуқуқий демократик давлат барпо қилишдир. Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ўзгартириш, давлат ҳаётидаги етакчи сиёсий кучларнинг ўрни ва ролини кучайтириш Ҳаракатлар стратегиясини келгуси беш йилда амалга оширишнинг, мамлакатни узоқ истиқболда ривожлантириш ҳамда модернизациялашнинг муҳим ва ҳал этувчи омили ҳисобланади.

Иккинчи устувор йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилигини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув тамойилини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш.

Учинчи устувор йўналиш иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш.

Тўртинчи устувор йўналиш ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

Бешинчи устувор йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш каби масалаларни қамраб олган.

**Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади** олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи **2017 йили “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”**да амалга оширишга оид Давлат дастурининг биринчи йўналишига кўра давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шакллари, “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари амалга оширилди. Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек маҳалланинг жамият ҳаётидаги роли кучайтирилди. Иккинчи йўналиши қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини

таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутиб, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаш, Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтиришга қаратилди.

Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимига, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек ушбу йўналиш 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқишни, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиш, танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштиришни, мурожаатларни мунтазам таҳлил қилишни ҳамда вақти-вақти билан унинг натижаларини эълон қилиб боришни, адвокатурани ривожлантиришни, нотариат тизимини ва ФХДЁ органларини ислоҳ қилишни ҳам ўз ичига олади.

“Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш” деб номланган учинчи йўналишда миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилган эди.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ



дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилиб, кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

“Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиш аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

“Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиш доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилиб, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

Келгуси беш йилда мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича Миллий комиссия тузилди.

2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг амалга оширишга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилди.

2018 йил "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили" Давлат дастури ижросига 11239,2 миллиард сўм 1284,9 млн АҚШ доллари йўналтирилди

2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши, 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш» йилларида амалга оширилган ислохотлар асосида «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган инсонпарвар ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишнинг дастурий чора-тадбирлари белгиланди. Бу борада давлат органлари ҳамда фуқароларнинг ўзаро муносабатига бўлган ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қайд этилди. Мазкур эришилган натижалар заминида 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» сифатида давлатнинг стратегик йўналишлари янада самарали, мустаҳкам ва изчил қарорлар билан бойитилди. **Жумладан,**

2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармонида умумий қиймати **16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига** тенг лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу асосда юртимизда фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислох қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янгича ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

2017 йил 12-21 сентябрь кунлари давомида Нью-Йорк шаҳридаги БМТ Бош қароргоҳида Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди, БМТнинг расмий сайти (un.org), шунингдек, sputniknews-uz.com, rt.com, currenttime.tv ва бошқа порталларда онлайн тарзда эфирга узатилди.

Давлатимиз раҳбарининг, айниқса, БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича ташаббусларига хорижий интернет нашрларида алоҳида

эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф қилди, терроризм муаммосига катта эътибор қаратиб, унинг туб сабабларига барҳам беришга чақирди.

«Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир», деб алоҳида қайд этди Ўзбекистон Президенти.

Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганини таъкидлаб, Президент Шавкат Мирзиёев «глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш"ни таклиф этди.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари жаҳон жамоатчилигига “ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини” етказишга чақирди.

“Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мураса қила олмаймиз”, деди Ўзбекистон раҳбари ҳамда ислом дини “эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга” даъват этишини қайд этди”. Ўзбекистон Президенти БМТга аъзо давлатларга “БМТ Бош Ассамблеясининг "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи” билан мурожаат қилди. “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган”, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу йиғилишда Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи қуриши муаммоси, кўшни мамлакатлар билан яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам хориж оммавий ахборот воситаларининг алоҳида эътиборини тортди. Шавкат Мирзиёев Амударё ва Сирдарё хавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлашини қайд этди ҳамда халқаро ҳамжамиятни Орол денгизи буткул қуришининг олдини олишга чақирди. Ўзбекистон Президенти БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши лозимлигини таъкидлади.

Президент Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари тўғрисида сўз юритар экан, минтақанинг умумий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масаласига тўхталиб: «БМТ Бош котибининг "сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ", деган позициясини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ», деб таъкидлаб ўтди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон АҚШ Президенти Дональд Трампнинг Афғонистон билан кўшни мамлакатларни афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга кўмаклашишга оид даъватини қўллаб-қувватлаши, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши ҳамда Афғонистоннинг иқтисодий тикланишига, унинг транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантиришга, миллий кадрларини тайёрлашга бундан буён ҳам ҳисса қўшишини таъкидлаб ўтди.

## **2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.**

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли халқимиз ҳаётида туб

Ўзгаришлар рўй бермоқда, унинг дунёқараши, онгу тафаккури юксалмоқда. Ушбу жараёнларда жамиятимизда янгича кадрият ва анъаналар шаклланимоқда. Ана шундай муҳим янгилик ва анъаналардан бири – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йили янги йил арафасида (2017 йилда 22 декабр куни, 2018 йилда 28 декабр куни эълон қилинди) мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома билан чиқишидир. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ана шу улкан янгилик жамиятимиздаги ижтимоий муносабатларни сифат жиҳатидан ўзгартирмоқда. Халқимиз янги йил билан бирга келгуси йил юртимиз ҳаётида қандай маъно-мазмунга эга бўлиши Президентимиз Мурожаатномасида бу борада қандай мақсад ва вазифалар белгилаб берилишини ҳам кутмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга **Мурожаатнома** тақдим этилди.

Тараққиётимизнинг янги босқичи бўлган 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномада 2017 йилда мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни бажариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилгани, “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда.

Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган ғоя бу борада фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси **фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.**

Қисқа муддатда ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилган.

2017 йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўғин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Биз ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, жумладан, яқин 3-4 йилда барча ҳудудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш, кўплаб ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар асосида юртимизда 11 йиллик таълим қайта тикланди.

Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида Президент мактаблари, Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Фанлар академияси тизими такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди, унинг таркибида бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти тикланди. Кўп йиллик танаффусдан сўнг Фанлар академиясига сайлов ўтказилиб, ўзининг илмий ишлари билан мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ном қозонган истеъдодли олимлар академик деган юксак шарафга сазовор бўлдилар. Энди барчамиз Фанлар академиясидан янги илмий ишланмалар, истиқболли тадқиқотлар яратиш бўйича амалий натижалар кутиб қоламиз.

Буларнинг барчасидан биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт.

Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган

юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Уларнинг аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси, бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Хусусан, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга даъват этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас. Лекин биз ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжамиятига етказиш бўйича, етарли иш қилмаганимизни ҳам очиқ тан олиш керак.

Биз диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш кераклиги ҳақида кўп гапирамыз. Бу тўғри, албатта. Лекин маърифат, маърифий билимлар қаерда – аввало ота-боболаримиз бизга қолдириб кетган мана шундай мўътабар китобларда эмасми?

Бизнинг ушбу йўналишдаги барча амалий ҳаракатларимиз айнан мана шундай эзгу мақсадга қаратилган бўлиб, нафақат мамлакатимиз ва мусулмон дунёсида, балки жаҳон миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор уйғотмоқда. Ана шундай бебаҳо бойликка, минглаб билимдон уламолар, фаол зиёлиларга эга бўлган, бу соҳада катта ташаббуслар билан чиқаётган халқ ва давлат сифатида юртимиздан қандайдир ақидапараст, диний оқимларга берилган кимсаларнинг чиқиши албатта бизга ярашмайди.

Мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришлар дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқишни ошириб, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Албатта, 2017 йилда амалга оширган ишларимизнинг барчаси биз танлаган узоқ ва машаққатли, айни пайтда ягона тўғри йўлдаги дастлабки қадамлардир

2018 йилга юртимизда **Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили**, деб ном берилди.

Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган **инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз**. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади.

Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз.

### **Мурожаатномада**

**I. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича:**

- “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини оғишмай амалга ошириш;
- парламент, депутат ва сенаторларнинг ўрни ва ролига алоҳида тўхталиш; уни ҳақиқий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айлантириш;
- Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепция ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлишига эришиш;
- Интернет тармоғида “**Менинг фикрим**” деб номланган махсус веб-саҳифа ташкил этиш, жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ қилиш;
- Партиялараро рақобатни таъминлаш;
- Экологик ҳаракат вакиллари учун махсус ўрин ажратишдан воз кечиш;
- ягона Сайлов кодексини ишлаб чиқиш;
- Давлат органлари фаолиятини режалаштириш, самарадорлигини ошириш;
- ижро ҳокимияти органларининг уйғун фаолият олиб боришига



эришиш;

- Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш;
- ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказиш;
- ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатларини алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиш;
- барча давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкани сотиш учун Интернет тармоғида ягона майдон ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини тузиш;
- “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;
- оммавий ахборот воситаларини таъсирчанлигини ошириш, Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

## **II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари бўйича:**

- Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил этиш;
- 2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш концепциясини қабул қилиш;
- жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясини ташкил этиш;
- жиноят-ижро қонунчилигини янада такомиллаштириш;
- ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштириш;
- “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида”ги ва “Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

## **III. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича:**

- Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур яратиш;
- “Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада самарали таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон;
- барча тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишни 2 йилга тўхтатиш;

- Интернет тармоғида электрон савдолар ва аукционлар орқали ер участкаларини, жумладан, тадбиркорлар учун ажратишнинг ягона тартибини ўрнатиш зарур. Шу мақсадда 2018 йилдан бошлаб электрон савдо майдонлари орқали давлат активларини сотиш бўйича электрон тизим ташкил этиш;

- барча бизнес тоифалари учун солиқ юкини камайтириш ва қулайлаштириш, шу асосда ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш;

- тез ривожланаётган, йириклашиб бораётган корхоналарни рағбатлантириш сиёсатига ўтиш;

- бюджет тизимини қайта кўриб чиқишимиз, бюджет даромадлари ва харажатлари халқимиз учун очиқ ва ошкора бўлишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари қабул қилиниб, мазкур дастурларни молиялаштириш фонди ташкил этиш;

- “Инвестиция портали” очиш;

- Ташқи иқтисодий соҳадани кенгайтириш;

- “Миллий логистика портали”ни ташкил этиш;

- ташқи бозорга сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни “Ўзбек бренди” номи билан олиб чиқиш;

- муқаддас кадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган “кичик ҳаж” дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш;

- қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш;

- фермер хўжалиқларида етиштирилган маҳсулотлар ҳажми ва миқдори ҳақидаги маълумотларнинг ягона базасини яратиш;

- ҳудудларни жадал иқтисодий ривожлантириш;

- Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қурилиш соҳасини 2030 йилгача инновацион ривожлантириш дастури ишлаб чиқиш;

- хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш;

- аэрокосмик технологияларни сунъий йўлдош орқали иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқларига жорий этиш;

**IV. Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор**

### **йўналишлар бўйича:**

- Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида фаолиятни кучайтириш;
- ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш;
- Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шароит яратиш;
- Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказиш;
- чет элларда яшаётган ва ишлаётган ватандошларимиз билан ўзаро ҳамкорлик соҳасида давлат сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш;

### **V. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича:**

- диний экстремизм ғоялари таъсирига адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштириш;
- жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш;
- диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;
- мамлакатимиз мудофаа тизимининг ташкилий тузилмаси, унинг ҳарбий-жанговар ҳолати, аскар ва офицерларнинг маънавий ва рухий тайёргарлик даражасини кучайтириш;
- миллий армиямизни ислоҳ қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиб, Қуролли Кучларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш;
- Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлик тамойилини, яқин қўшнилар билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш;
- Ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида олиб борилаётган тизимли ўзгаришлар асосида Қуролли Кучлар академиясининг фаолиятини тубдан қайта ташкил этиш;
- Мудофаа-саноат комплексини шакллантириш ва ривожлантириш давлат дастурини қабул қилиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Мурожаатномада баён этилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, танлаган йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда, бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак,

ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди.

1. 2017 йилда иқтисодиёт соҳасида замон талабларига жавоб берадиган, янгича маъно-мазмундаги ва самарали ислохотларни амалга ошириш йўлида биринчи қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу биз учун келгуси йилда қўшимча 1,5 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмаси барпо этилди. Бу эса қўшимча равишда 2,5 миллиард киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буғ-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан “Ёшлик – 1”, “Ёшлик – 2” конларини ўзлаштиришга киришилди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда. Бу йирик иншоотлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа бўлади.

Фарғона – Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайтда электрлаштирилмоқда.

Яна бир йирик объект – Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг локомотивларидан бири бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводида келгуси йили қўшимча равишда 6 миллиард куб метр табиий газни олтингугуртдан тозалайдиган блоклар тўлиқ фаолият бошлайди. Шулар қаторида “Ўзагротех-саноатхолдинг” акциядорлик жамиятида янги йилда 5 мингдан кўпроқ замонавий тракторлар, мингдан зиёд пахта териш машинаси ва 2 мингдан ортиқ прицеplar ишлаб чиқариш

йўлга қўйилади.

Бундай мисолларни яна узок давом эттириш мумкин.

Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида **нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган хомхаёлларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби** танқидий қайта кўриб чиқилди. **Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.**

Айни шу асосда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

**2017 йил 5 сентябрьдан миллий валютамизни эркин конвертация қилишга киришдик.** Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларидан чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўпайди.

Жорий йилда мамлакатимизда 12 та эркин иқтисодий ва 45 та саноат зонаси фаолияти йўлга қўйилди ва бу ташкилий чоралар худудларни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Яқин вақт ичида яна 50 та янги саноат зонасини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Йил давомида биз учун ғоят муҳим бўлган **янги иш ўринларини ташкил этиш** масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлди. 2017 йилда янги саноат корхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

2. Мамлакатимизда **ижтимоий соҳани** ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда.

Маълумки, аҳолимизни, айниқса, бюджет соҳаси ходимларини, кам таъминланган оилаларни уй-жой муаммоси кўпдан буён қийнаб келарди. Халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, биз жорий йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида **арзон уй-жойлар қуриш** лойиҳасини амалга оширишга киришдик. Шаҳар ва қишлоқларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо

этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилган. Кейинги 25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга бўлган кўпқаватли уй-жойлар қуриш бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида жорий йилда 420 минг квадрат метр кўпқаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўп.

Оролбўйида экологик вазиятни яхшилаш юзасидан аниқ чоралар кўрилди. Молия вазирлиги ҳузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тузилди ва унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ана шу маблағлар ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг сув таъминоти, турмуш шароити яхшиланмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда 3 минг километрдан ортиқ ички йўллар капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди.

Жорий йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та умумтаълим мактаби янгитдан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди. Шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

**2017 йилда маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида гапирганда, аввало, маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинганини қайд этиш лозим.**

Юртимиздаги ижодий уюшмаларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фонди, шунингдек, маданият ва санъат муассасалари ҳамда йирик компания ва банклар ҳамкорлигида “Дўстлар клублари” ташкил этилди.

Тошкент шаҳридаги Миллий боғ ҳудудида муҳташам Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Қорақалпоғистонда ва бир қатор вилоятларимизда улуғ адибларимизнинг номлари билан аталган ижод мактаблари барпо этилди. Шунингдек, Қўқон шаҳри, Хоразм ва Жиззах вилоят драма театрлари қайта реконструкция қилинди, Ўзбекистон давлат

санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди.

Маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган ана шундай лойиҳалар ҳақида гапирганда, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш ишлари бошланганини алоҳида қайд этиш зарур. Шулар қаторида буюк алломаларимизнинг ёдгорлик мажмуалари қошида ҳадисшунослик, ислом ҳуқуқшунослиги, тасаввуф, калом ва ақида илми каби диний-маърифий йўналишларни ўрганиш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди

2017 йил **жисмоний тарбия ва спорт соҳаси** бўйича ҳам катта ишлар қилинди. Юртимиз ёшларининг спорт соҳасидаги ютуқлари барчамизни қувонтирмоқда. Жаҳон ва қитъа миқёсида янги-янги чемпионлар, шахмат бўйича халқаро гроссмейстерлар етишиб чиқмоқда.

Бокс, дзюдо, таэквандо, оғир атлетика, эркин кураш, самбо бўйича ўтказилган турли халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришилди. 2017 йил айниқса ўзбек миллий кураши тарихида ёрқин саҳифа бўлди. Сентябрь ойида Туркменистонда бўлиб ўтган Осиё олимпия кенгаши Бош ассамблеяси йиғилишида ушбу миллий спорт турини Осиё ўйинлари дастурига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яъни 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган 18-Осиё ўйинларида қитъамиз спортчилари ўзбек миллий кураши бўйича ҳам ўзаро беллашадилар.

Айни вақтда биз Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда.

### **3. Аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда тадбиркорлик субъектларининг тутган ўрни ва аҳамияти.**

Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир.

Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва

асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт. Керак бўлса, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозим, – дейди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” ҳамда “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида” деган нормаларни амалда рўёбга чиқариш мақсадида янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти таъсис этилди.

Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлигини амалда таъминлаш бундан буён ҳам давлат сиёсатида устувор йўналиш бўлиб қолади. Тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатига хиёнат, деб қабул қилиш керак.

Ана шундай орзу-умидлар ифодаси бўлган иккинчи Мурожаатнома Президентимиз томонидан 2018 йил 28 декабрда эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг 2019 йилдаги тараққиётининг бош ҳужжати бўлган ушбу Мурожаатнома ўзининг маъно-мазмунини, таркибий тузилишига кўра ғоят серқирра ва кенг кўламлидир. Унда, аввало, ўтган 2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, муҳим ҳаётий хулосалар илгари сурилди. - “Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия – ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим ва устувор масаладир. Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага давлат миқёсида улкан эътибор қаратилмоқда,”- деб таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан таълим соҳасида фаолият юритаётган устоз ва мутахассислар олдига бир қатор вазифалар қўйилди, айниқса, бутун дунёда мураккаб ва таҳликали вазият ҳукм сураётган ҳозирги вақтда ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда ибратли фаолият олиб бориш улкан аҳамиятга эгаллиги ҳамда шу борадаги ўта масъулиятли вазифалар бизлардан ўз устимизда тинимсиз ишлаш, фарзандларимизни янгича тафаккур, юксак инсоний туйғулар билан ошно этиш, уларда мустақил ва ижодий фикрлаш



кобилиятини узлуксиз ривожлантириб боришни талаб этдилар.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” асарида таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усуллари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар аҳволини танқидий таҳлил қилиб, бир қатор вазифаларни амалга оширишга эътибор қаратдилар.

**Биринчи вазифа** – мактабгача таълим соҳасида. Очiq тан олишимиз керак, биз бу муҳим соҳадаги ишларни эътибордан четда қолдирдик. Ушбу соҳада болаларни қамраб олиш 27 фоизни ташкил этади.

Яқинда тасдиқланган дастурга кўра, бу йўналишда 2 минг 200 та муассасанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланади.

Шунингдек, тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди.

**Иккинчи вазифа** – умумтаълим мактаблари, лицей ва касб-хунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифати билан боғлиқ. Замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш талаб даражасида эмас.

Болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, хорижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш вазифалари ҳали сифатли ва тўлиқ ҳолда ечилгани йўқ.

Яна бир муаммони ҳал этиш ҳам ўта муҳим ҳисобланади: бу – педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

**Учинчи вазифа** – таълим муассасаларини, энг аввало, касб-хунар коллежларини оқилona жойлаштиришни, шунингдек, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ҳар бир ҳудуднинг зарур мутахассисларга бўлган талабини тўғри аниқлашни танқидий таҳлил қилишдир.

**Тўртинчи вазифа** – нафақат академик илм-фанни, балки олий ўқув

юртларидаги илм-фанни янада ривожлантириш.

Бу ўринда иккита асосий вазифани ҳал этиш зарур:

*биринчи* – илмий муассасаларнинг моддий-техник базасини илғор хорижий марказлар даражасида ва олимлар талабларига мувофиқ сезиларли равишда мустаҳкамлаш керак. Бунда, албатта, давлатнинг эҳтиёжлари ва унинг мақсадли вазифалари инобатга олиниши шарт;

*иккинчи* – академикларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, моддий рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**Бешинчи вазифа** – китобларни чоп этиш ва тарқатишдаги муаммоларни ҳал қилишдир. Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Бу борада замонавий компьютар технологиялари ва, айниқса, интернет тизими биздан анча илдамлаб кетганини ҳам инобатга олиш зарур.

Ана шу вазифани ҳал этишда турли дарсликларни яратиш, уларни чоп этиш ва молиялаштириш масалаларида идоралар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, афсуски, жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Шу ўринда ҳаммамиз учун айти пайтда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган масала, яъни китобхонликни кенг ёйиш ва ёшларимизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини янада оширишга қаратилган ишларимизни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди.<sup>31</sup>

Мамлакат ёшларининг илм-фан, спорт ва маданият ютуқларини эгаллашларида, жамиятимизнинг муносиб ворислари сифатида вояга етишларида давлатимиз олим бораётган ёшларга доир сиёсати мавжуд ислохотларнинг ҳуқуқи асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. 2016 йилнинг 15 сентябрида қабул қилинган «**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**»ги қонун айнан шу имкониятларга рўёбга чиқаришга қаратилган. Унда белгиланган нормалар ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ёшларга оид нормалари билан бойитилган, ўзаро боғланган ва улар ўртасидаги уйғунликни таъминлаган.

<sup>31</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент: Ўзбекистон. – 2017.

Мазкур қонун аввалги қонундан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

**Биринчидан**, қонунда «ёшларга оид давлат сиёсати», «ёшлар (ёш фуқаролар)», «ёш оила», «ёш мутахассис», «ёшлар тадбиркорлиги» тушунчаларининг мазмуни очиб берилган. Мазкур тушунчаларнинг қонун билан белгилаб қўйилгани ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари-ни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қонуннинг энг катта ютуқларидан бири «ёшлар»нинг ёш чегарасига аниқлик киритилгани, яъни 3-моддада «ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар» деб белгилаб қўйилганидир.

Қонунда «ёш оила» деган тушунчага биринчи марта қонуний таъриф берилган. Тўғри, аввал ҳам турли қонуности ҳужжатларида мазкур тушунчага таърифлар берилган, бироқ, шу вақтгача олий юридик кучга эга бўлган қонун орқали унинг тушунчаси белгиланмаган эди. Қонуннинг 3-моддасига кўра «ёш оила – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл)», – деб белгиланди.

**Иккинчидан**, қонун давлат сиёсатини амалга ошириш учун ўзига хос инфратузилмани мустаҳкамлаб қўйди. Яъни ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтлари, ёшлар ижтимоий хизматлари, ёшларга оид давлат сиёсатини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг қонунчилик асослари қайд этилди.

Қонуннинг 33 та моддасидан 15 таси ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар, фуқаролик жамияти институтларига бағишланган. Энг муҳими, мазкур орган ва муассасалар сифатида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бевосита иштирок этувчи 8 та орган ва муассасалар тизими: таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; маданият ва спорт ишлари бўйича органлар; меҳнат органлари; прокуратура органлари; ички ишлар органлари; адлия органлари; муҳофаа ишлари бўйича органлар белгиланиб, уларнинг ваколатлари

конунан мустаҳкамланди. Бироқ, бу билан бошқа субъектлар ушбу жараёнда иштирок этмайди, деган хулосага келмаслик керак. Чунки қонуннинг 9-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда бошқа органлар ва муас-сасалар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Деярли барча органлар ваколатларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиш белгиланган.

Мазкур органларнинг ваколатлари ва иштироки қонуннинг 5-моддасида- белгиланган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишга йўналтирилган. Масалан, адлия органлари ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир фаолиятни амалга ошириши ҳамда мувофиқлаштириши белгилангани ҳолда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, прокуратура органлари, ички ишлар органларининг ҳам бу фаолиятда иштирок этишлари, оммавий ахборот воситалари эса бундай тадбирларни ёритиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Барча ваколатлар муҳим бўлгани ҳолда масъул органлар ва муассасалар ваколатларининг айримларига тўхталиб ўтсак. Вазирлар Маҳкамаси ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришнинг боришини умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этади ҳамда уни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради. Бу жудаям муҳим бўлиб, юзага келаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш ҳамда давлат сиёсатини ривожлантириш имконини беради.

**Учинчидан**, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса ёшларга оид давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёжи мониторинги олиб борилишини ва баҳоланишини таъминлайди; ёшларнинг бандлиги ва уларни ишга жойлаштириш сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлайди, меҳнат бозори ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш амалиёти мониторингини ташкил этади.

Шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан бошқариш органлари ва муассасалари, меҳнат органларининг ёшларга оид давлат сиёсати рўёбга чиқарилишини таъминлашга доир ваколатлари,

вазифалари аниқ белгилаб қўйилди.

Қонунга кўра прокуратура органлари ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади.

Ички ишлар органлари ҳам ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади.

Адлия органлари ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Мудофаа ишлари бўйича органлар ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлигини ташкил этишда, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир тадбирларда иштирок этади.

**Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири** — бу ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маҳаллалар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ўрни аниқ белгилаб қўйилганидадир. Айниқса, мазкур тузилмалар ҳуқуқларида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш белгилангани мамлакатимизда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга оширишда, демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Тўртинчидан**, қонунда ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига алоҳида урғу қаратилиб, ёш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунда белгиланган ҳоллардан ташқари чекланиши мумкин эмаслиги қайд этилди. Яъни қонуности ҳужжати билан ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши мумкин эмас.

Қонунда таълим муассасаларида ўқиш учун имтиёзли кредитлар бериш; етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар-жойлар билан таъминлаш; ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий

таълим муассасасини битирганидан кейин бандликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш каби ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг аввалги конунда бўлмаган кафолатлари белгиланди.

Шунингдек, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган ёш фуқароларни ишга жойлаш-тиришга ёрдам қўшимча иш ўринлари ва ихтисослаштирилган корхо-наларни барпо этиш, ўқитиш бўйича махсус дастурларни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда иш жойларининг энг кам миқдори захирасини яратиш йўли билан таъминланиши қайд этилди.

Бундан ташқари, конунда ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни, ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ёшлар ижтимоий хизматиغا оид нормалар ўз аксини топган.

**Бешинчидан**, мазкур қонунда энг асосий кафолатлар, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари белгилангани ҳолда қонун чиқарувчи қонун ҳужжатларида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа кафолатлари, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари ҳам берилиши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустаҳкамлаш, уларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтириш, баркамол авлодни тарбиялаш, йигит-қизларимизни баркамол шахслар қилиб шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўтган йил тажрибалари ва келгусида халқимиз, мамлакатимиз олдида турган вазифалар асосида 2019 йил юртимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу йилдаги энг муҳим мақсад ва вазифалар аниқ кўрсатиб берилди.

Мурожаатномада 2019 йилда иқтисодий ислохотлар соҳасидаги вазифалар таҳлилига алоҳида этибор қаратилди. Бу – бежиз эмас. Чунки мамлакатимизнинг келгусидаги юксак тараққиёти, халқимиз фаровонлиги аввало иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг муваффақиятига боғлиқ. Ўн

битта устувор йўланиш асосида иқтисодий ислохотлар соҳасидаги долзарб вазифалар чуқур таҳлил этиб берилди.

Инсон капитали, унинг салоҳияти, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш борасидаги энг муҳим вазифалар Мурожаатноманинг кейинги бўлимини ташкил этди. Президентимиз тўққизта устувор йўналиш бўйича бу борада 2019 йилда қилиниши лозим бўлган ишлар, дастур ва лойиҳаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Мурожаатноманинг навбатдаги таркибий қисмлари, давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги вазифалар бешта устувор йўналиш бўйича, қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш борасидаги ишлар учта муҳим йўналиш бўйича ўз аксини топди. Шунингдек, мамлакатимизнинг конституциявий тузуми суверенитети, ҳудудий яхлитлигини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар учта устувор йўналиш бўйича таҳлил қилиб берилди.

2019 - “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”даги бош мақсадимиз юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришишдир.

Қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган.



- Инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги.
- Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади.
- Мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги ижтимоий соҳадаги ислохотлар самарасига боғлиқ.
- Ёшларга муносиб таълим бериш, илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш, илмий ва ўқув жараёнлари сифатини тубдан яхшилаш.
- Тинчлик ва соғлиқни таъминлаш.
- Қўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш.
- Тадбиркорлик, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш.
- Пенсия таъминотини яхшилаш.

**Мурожаатномада юқоридаги мақсадларга эришиш учун қуйидаги 10 та устувор вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилди**

макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш;

иқтисодиёт ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш;

банк ва молия тизимида ислохотларни давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш;

фуқароларимиз солиқдан қочиш эмас, уни вақтида тўлашдан манфаатдор бўлишига эришиш;

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қуватлаш бўйича ишларни жадал давом эттириш;

иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш;

етакчи тармоқларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, соғлом рақобат муҳитини яратиш;

иқтисодиётимизни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қуватлаш;

худудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш;

қишлоқ хўжалик соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавтсизлини таъминлаш.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир устувор йўналиш ўз таркиби, маъно ва мазмунига кўра, аниқ таклиф ва хулосалар, янги фикр ва ғоялар, конкрет топшириққа эга. Буларнинг барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2019 йил учун Мурожаатномаси ҳақиқатдан ҳам, ғоят серқирра, кўп таркибий ва кенг қамровли, ноёб ҳужжат эканлигини кўрсатади. Биз 2019 йилда халқимиз мамлакатимиз олдида қандай муҳим вазифаларни ҳар томонлама чуқур англаш ва шу асосда уларни амалга



оширишда фаол иштирок этиш, бу улуғ ишга ўз ҳиссамизни қўшиш учун аввало ушбу Мурожаатноманинг маъно-мазмунини ўрганиб, тушуниб олишимиз керак. Бу бизга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги ўз ўрнимизни аниқ белгилаб олишга ёрдам беради.

**2.3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.**

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 29 апрель куни «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони таълим соҳасидаги ислохотларнинг изчиллигини таъминлашга қаратилди. Фармон билан Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш учун йўл харитаси тасдиқланди. Мазкур концепция таълим тизимини ривожлантиришнинг куйидаги йўналишларини белгилаб берди. Жумладан;

– Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтингини бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш;

– узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

– халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш;

– халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

– ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш;

– давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига давлат таълим тизимида рақобат муҳитини кенгайтириш;

– ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

– халқ таълими тизимида фаолият кўрсатишнинг жозибадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш.

Фармонга кўра, концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган «Йўл харита»си орқали босқичма-босқич амалга оширилади.

Эътиборлиси, концепция халқ таълими соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлайди. Умумий ўрта таълимни бошқаришда қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, мактаблар методик, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва молиялашда давлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланмайди. Кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам камчиликлардан ҳоли эмас.

Концепция таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди. Хусусан, умумий ўрта таълим тизими такомиллаштирилади. Шунингдек, хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, математика, физика, кимё ва биология каби фанлар бўйича янги ўқув стандартлари, дастур ҳамда дарсликлар яратилади. Ўқувчиларнинг қобилиятини ривожлантириш, мустақил равишда касб-ҳунар танлаш ҳамда замонавий касбларни эгаллаши учун шароитлар яратилади.

Ҳужжатда таъкидланганидек, фан олимпиадаларини ўтказиш мезонлари халқаро олимпиада ва мусобақаларнинг баҳолаш тажрибаси бўйича қайта кўриб чиқилади. Иқтидорли ўқувчиларни аниқлашда шаффофлик таъминланади. Ота-оналар ҳам фарзандларини ўқитиш ва тарбиялаш жараёнига жалб этилади.

Имконияти чекланган ўқувчиларнинг таълим олишига эътибор кучайтирилиб, таълим муассасалари тажрибали ўқитувчи-дефектолог ҳамда психологлар билан таъминланади.

Ушбу концепция доирасида ўқитувчи ва раҳбарлар иш фаолияти

самарадорлигини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланиш йўлга қўйилади. Масофавий таълим сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга концепцияга кўра ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантириш янги даражага кўтарилади. Ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари жорий этилади. Узлуксиз таълим тизими мазмуни сифат жиҳатдан янгиланиб, кадрлар малакаси оширилади. Ўқитиш методикаси такомиллаштирилиб, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойиллари татбиқ этилади. Халқ таълими муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, бюджетдан маблағ билан таъминлаш самарадорлиги оширилади. Умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражаси босқичма-босқич оширилади.

**Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 8 майдаги ПҚ-4312-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди, бу концепциянинг мақсади бола ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини ривожлантиришни таъминловчи муҳим манба бўлган сифатли мактабгача таълимдан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.**

Ушбу концепцияда мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қилиб қуйидагилар белгиланди:

- мактабгача таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш;
- болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш;
- мактабгача таълим тизимида инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

– мактабгача таълим тизимига ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш;

– мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом ва баланслаштирилган озиқ-овқат, сифатли тиббий парвариш билан таъминлаш.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони тасдиқланди.**

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Ушбу Фармонда концепция қуйидагиларни назарда тутиши белгилаб кўйилди:

– олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

– Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантириш;

– республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

– олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

– халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

– олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

– олий таълим муассасаларининг академик мустақиллигини таъминлаш;

– олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

– хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

– олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналларини халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

– Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантириш;

– олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

– талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш;

– олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник

базасини, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

- таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш.

Ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика олий таълим кенгаши ташкил этилди.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

- олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

- таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, бу борада оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш;

- олий таълим муассасаларида шаффофлик, холислик ва объективликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш

юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, кўшма дастурлар самарадорлигини баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

– олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустақкам интеграциясини таъминлаш асосида таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилди.

Концепция Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Ушбу Концепцияда олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолари таҳлил қилинган ҳолда қуйидагилар баён қилинди.

Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди.

Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди.

2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртки таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди.

Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар сони бакалаврият таълим йўналиши бўйича 410 минг, магистратура мутахассислиги бўйича эса 13 минг нафарни ташкил қилиб, сўнгги 3 йилда 1,7 бараварга ошди.

Талабаларнинг 54,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 25,2 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 5,2 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 4,4 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 4,5 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таҳсил олмақдалар.

Магистратура талабаларининг 40,8 фоизи гуманитар ва педагогик, 23,3 фоизи ишлаб чиқариш-техник, 13,3 фоизи ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 фоизи қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 фоизи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, 3,2 фоизи хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича таҳсил олмақдалар.

2019/2020 ўқув йили учун қабул параметрлари 121 мингтани ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошди.

Республиканинг 16 та олий таълим муассасасида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузурида Нанотехнологияларни ривожлантириш маркази, Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти, Биофизика ва биокимё институти, Интеллектуал дастурий тизимлар илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 84 тани ташкил қилмоқда (2017 йилда 48 та). Сўнгги 3 йилда 1 693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ходимлар сони 9 636 нафарга етди (шундан 2 130 нафари фан доктори (DSc), 7 506 нафари фан номзоди (PhD) ҳамда республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 5,1 фоизга ошишига эришилди.

Сўнгги 3 йилда олий таълим муассасаларининг 1 611 нафар профессор-



Ўқитувчиси хорижий олий таълим муассасаларида стажировка ўташи ва малака ошириши таъминланди. Халқаро ҳамкорлик доирасида хорижий олий таълим ва илмий муассасалар магистратура мутахассислигига 112 нафар, докторантурасига 51 нафар ёшлар таълим олишга қабул қилинди.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали 46 нафар профессор-ўқитувчининг Канада, Буюк Британия ва Италия давлатларида стажировка ўташи таъминланди.

2017 — 2019 йилларда таълим жараёнига 1 154 нафар хорижлик юқори малакали педагог ходим ва олим жалб этилди (АҚШдан 94 нафар, Европа мамлакатларидан 445 нафар, Осиё мамлакатларидан 299 нафар, МДХ мамлакатларидан 316 нафар).

Олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилди.

Юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан:

а) олий таълим билан қамров ва таълим сифатини таъминлаш соҳасида: олий таълим билан қамров даражаси пастлигича қолмоқда;

амалдаги малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан битирувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмаган, ўқув режаларида номутахассислик фанлари улуши юқориликча қолмоқда;

олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар самарали йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълим мазмунини шакллантиришдаги иштироки етарли эмас;

талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаган;

ишлаб чиқариш корхоналарида амалий машғулотлар самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси меҳнат бозорининг замонавий талабларига етарлича жавоб бермайди;

профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштириш даражаси пастлиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан ортда қолмоқда;

ўқув адабиётлари етишмовчилиги сақланиб қолиб, мавжудларининг аксарият қисми замон талабларига жавоб бермайди, ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув адабиётлари сифатида фойдаланиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган;

олий таълим муассасаларида фан олимпиадаларини ўтказишнинг шаффоф механизмлари жорий этилмаган, олимпиадалар ғолиблари билан ишлаш тизимли равишда йўлга қўйилмаган;

иктидорли ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига талабаларни саралаб олиш механизмлари мавжуд эмас;

педагог ходимларнинг малака ошириш тизими самарали ташкил этилмаган, жумладан малака ошириш муассасаларида ўқув машғулотлари ўтказиш учун юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб қилинмаган, малака оширишга жалб этишда тингловчиларнинг салоҳияти инобатга олинмайди;

олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш зарурати мавжуд;

б) илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият соҳасида:

олий таълим муассасалари илмий фаолияти ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этилмаган, таҳлиллар асосида инновацион ривожланишни прогнозлаштириш фаолияти йўлга қўйилмаган;

инновацион фаолият, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни жалб этиш натижадорлиги етарли эмас, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси таъминланмаган;

олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти атиги 36,4 фоизни ташкил этмоқда;

илмий даражага эга ходимларнинг ўртача ёши 49 бўлиб (фан докторлари — 56 ёш, фалсафа докторлари ва фан номзодлари — 43 ёш), юқориликча қолмоқда, фан докторлари орасида нафақа ёшидагиларнинг улуши 45 фоизни ташкил этмоқда;

илмий-тадқиқот ишлари ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилмаган;

сўнги йилларда нуфузли халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолаларга иқтибослар сони камаймоқда;

илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва ёш олимлар фаолиятини рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмлари яратилмаган;

в) олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш соҳасида:

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектлари қувватлари мавжуд эҳтиёжни қаноатлантирмайди, уларнинг аксарият қисмида бугунги кун талабларига жавоб берадиган моддий-техник база шакллантирилмаган;

олий таълим муассасаларининг замонавий ўқув ва илмий лабораториялар билан жиҳозланиш даражаси етарли эмас, халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув лаборатория ускуналарининг салмоғи атиги 10 фоизни ташкил этади, шу билан бирга ўқув жараёни лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан етарлича таъминланмайди;

олий таълим муассасалари молиявий харажатларининг асосий қисми иш ҳақиға сарфланиб, ўқув ва илмий лабораторияларни янгилашга, бино ва иншоотларни таъмирлашга етарлича маблағ йўналтирилмаяпти;

г) олий таълимнинг жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда рақобатбардошликни таъминлаш соҳасида:

республика олий таълим муассасалари халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, уларнинг расмий веб-сайтлари Webometrics халқаро рейтингининг 1 000 талик рўйхатига кирмаган;

таълим дастурлари ва талабалар билимини баҳолаш тизими халқаро стандартларга мослаштирилмаган;

мавжуд талабалар турар жойлари ҳамда ижтимоий инфратузилма объектлари хорижий талабалар эҳтиёжларига мослаштирилмаган;

хорижий фуқароларни мамлакатимизда таълим олишга кенг жалб қилиш борасидаги тарғибот ишлари, жумладан PR-лойиҳалар (Ўзбекистон

олий таълим муассасалари кунларини ташкил қилиш, тақдиротлар ўтказиш ва бошқалар) етарли даражада ташкил қилинмаган, бу борада интерактив виртуал платформа мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу Концепцияда олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари кўрсатиб ўтилган бўлиб улар:

мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш.

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш куйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилиши белгиланди:

олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш;

юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;

олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлашнинг

таъсирчан механизмларини жорий этиш;

олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантиришда қуйидаги натижаларга эришиш назарда тутилган:

олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, худудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, шу жумладан нуфузли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасининг 50 фоиздан юқори бўлиши таъминланади, соҳада рақобат муҳити яратилади;

Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманига айлантирилади;

республикадаги камида 10 та олий таълим муассасаси халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетининг биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киришига эришилади;

олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартлари жорий этилади, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтилади;

олий таълим мазмуни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади;

олий таълим муассасаларининг академик мустақиллиги таъминланади;

олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепцияси босқичма-

босқич жорий этилади;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этилади ҳамда улар тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ этувчи ва прогнозлаштирувчи илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқилади;

олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек республика илмий журналлари халқаро илмий-техник маълумотлар базасига босқичма-босқич киритилиши таъминланади;

Ўзбекистон олий таълим тизими Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи «хаб»га айлантирилади;

олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлиги оширилади, хорижий таълим ва илм-фан технологиялари жалб этилади;

талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббус асосида ривожлантирилади;

олий таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базаси, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшиланади, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилади ва молиявий барқарорлиги таъминланади;

таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилади;

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражаси оширилади, улар учун инфратузилмага оид шароитлар яхшиланади.

**2018 йил 27 июнида “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш КОНЦЕПЦИЯСИ”**

## **таълим-тарбия соҳасидаги уйғунликни таъминлашга қаратилди.**

Концепцияга мувофиқ оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш, замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш белгиланди.

Концепция давлат ижтимоий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган оила сиёсати аҳоли бандлигини ва реал даромадларини изчил ошириб боришга, фуқаролар фаровонлигини оширишга, ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Шу билан бирга, оила институти ҳозирги ҳолатининг таҳлили мазкур соҳадаги ислохотларни тўлақонли амалга оширишга тўсқинлик қилаётган катор муаммолар кўрсатиб ўтилди. Хусусан;

– тегишли идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлиги паст даражада эканлиги;

– оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ихтисослиги тор, ҳозирги ҳаёт воқелигидан узилиб қолган, илмий тадқиқотлар натижалари амалиётга суи жорий этилганлиги;

– оиланинг демографик ривожланишида ўзгаришлар юз бермоқда, оила ажралишлари сони ўсмоқда, мазкур соҳада салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини асословчи тадқиқотлар етишмаслиги;

– оилада, таълим муассасаларида маданий-тарихий мерос салоҳиятидан суи фойдаланилмоқда, миллий менталитетимизга ёт бўлган ғоя ва қарашлар таъсирининг олдини олиш борасидаги ишлар самарасиз эканлиги;

– оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асослари мукамал эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва илғор хориж амалиётини ўрганиш асосида оилани ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида

мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд эмаслиги;

– мутахассислар етишмайди ва кадрлар малакаси паст даражада, таълим тизимида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш механизми йўлга қўйилмаган, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича ўқув дастурлари мукамал эмас эмаслиги.

Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини муваффақиятли амалга ошириш орқали, биринчи навбатда, «Фаровон оила — жамият равнақининг асоси» концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган янги оила моделини шакллантиришнинг алоҳида моҳиятини ҳисобга олган ҳолда, давлат сиёсатининг қуйидаги устувор вазибалари ва асосий йўналишлари назарда тутилди:

**I. Оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни кучайтириш.** Бунда:

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини уларнинг оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга таъсири нуқтаи назаридан баҳолаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, тадқиқотлар натижаларини ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида оилани ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асосни яратишга аҳамият қаратилади. Улар кўп болали оилаларга ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга имтиёзли кредитлар (ипотека, истеъмол ва бошқа) беришни ва ер майдонларини тақдим этишни назарда тутадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишга доир масалалар сирасига киради.

Оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ифодаловчи ҳамда уларнинг ҳаёти ва фаолиятининг асосий тенденцияларини акс эттирувчи статистика кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш, тадқиқотларни молиялаштиришнинг мослашувчан тизимини жорий этиш, шу жумладан, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун грантлар ажратиш, олиб борилаётган тадқиқотларнинг оилалар реал эҳтиёжлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлашга қаратилади.

**II. Замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш.** Мазкур йўналишда анъанавий оилавий кадриятларни сақлаб қолган ҳолда замонавий оила моделини шакллантириш учун тарихий-



маданий шарт-шароитларни комплекс тадқиқ этиш, уларни кенг тарғиб қилиш ва ҳаётга жорий этиш бўйича илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, оиладаги можаро ва зўравонликлар, оилалар ажрашиши ҳамда уларнинг ижтимоий оқибатларини комплекс тадқиқ этиш асосида уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Ахборот-коммуникация технологиялари ва Интернет тармоғининг оила мустаҳкамлигига ва ривожига таъсирини ўрганиш, оилавий турмуш тарзи қадриятларини оширишни тарғиб қилишда, оилалардаги салбий ижтимоий ҳолатларни профилактика қилишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш вазифалари юкланади.

Бунда муқобил оилавий васийликни танлаш, қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш (бола асраб олувчи ота-оналарни топиш ва тайёрлашни йўлга қўйиш, фарзанд асраб олган оилаларни профессионал қўллаб-қувватлаш ва васийлик сифатини мониторинг қилиш тизимини яратиш) ҳамда хориж амалиётини Ўзбекистон шароитига мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, хайрия фаолияти ҳолатини ўрганиш, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларни оғир турмуш шароитида қолган оилаларни қўллаб-қувватлашга рағбатлантиришни назарда тутадиган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш масаласи белгиланади.

**III. Демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш.** Бу йўналишда оиланинг репродуктив саломатлигига ва демографик ривожланишига доир масалаларни, оилаларнинг фаровонлик ва хотиржамлик даражасини комплекс тадқиқ этиш ҳамда муаммоларни омилли асосда таҳлил қилиш, никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш тизимини такомиллаштириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг, туғма нуқсонлар билан болалар туғилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни кучайтиришга катта аҳамият қаратилади. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқиш ва ўқув дастурларини тизимлаштириш, оиланинг оқилона репродуктив ахлоқини ва оилани режалаштиришни шакллантириш, соғлом турмуш тарзи ва овқатланиш маданиятини тарғиб қилиш вазифалари кўриб чиқилади.

Оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, вояга етмаган

фарзандларни, ногиронлиги бўлган фарзандларни тарбиялаётган ота-оналарни, шунингдек, ёлғиз ва кўп болали ота-оналарни ишга жойлаштиришда кўмаклашиш, оила аъзоларини тадбиркорлик асосларига ўқитиш, оилавий тадбиркорликни, касаначиликни, хунармандчиликни, ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Вояга етмаган фарзандларни, ногиронлиги бўлган фарзандларни тарбиялаётган ёлғиз ва кўп болали ота-оналарга ўзларига тегишли ер участкаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари белгиланади.

#### **IV. Oilaning tarbiyaviy-ta'lim salohiyatini mustahkamlash, jamiytda an'naviy oilaviy kadriyatlarini saqlash, oilalarda ma'naviy-ahloqiy muhitni yaxshilash.**

Мазкур йўналишда ёш авлодда маънавий-ахлоқий, одоб қадриятларни ва ота-онага ҳамда катта ёшдаги инсонларга ҳурматни шакллантириш, oilaning tarbiyaviy va madaniy-ilmiy salohiyatini oshirish; Oilaning birkamligini mustahkamlashga, oilada avlodlar ўrtasidaги ўзаро aloqani saqlash va қўллаб-қувватlashga қаратилган oilaviy an'nalarni rivojlantirish; Ota-onalari ёки васийлари fuqarolik, ma'muriy va jinoyat javobgarlikka tortilgan voyaga etmagan bolalarni huquqiy va ijtimoiy ximoya qilish, ruhiy қўллаб-қувватlash tizim va mexanizmlari samaradorligini oshirish; Oilalarda ichki oilaviy va шахсий muhosabatlarini, xususan ota-ona va farzandlar, er va хотин, qaynona va kelin ўrtasidaги muhosabatlarini yaxshilash, oilada mojaroli va ogir turmush sharoitini amaliy hal qilish mexanizmlarini жорий этиш; Oilaviy notinchlik, bolalarning nazoratsizligi va қаровsizligi, shuningdek, bolalar orasidaги huquqbuzarliklar va jinoyatlarнинг oldini olishga doir samarali mexanizmlarni жорий qilish; Ўсмирлар, ёшлар, ёш ота-оналар билан уларнинг bilim darajasini oshirish va ibratli otanonalik kўnikmalarini shakllantirish бўйича ишларнинг samaradorligini oshirish.

Жамиятнинг асосий бўғини oilani muhtaram aёл sийmosisiz tasavvur этиб бўлмайди. Ҳар қайси мамлакат, ҳар қайси халқ ҳаётида **Шахс – Оила – Жамият – Давлат** деган тушунча ва қадриятлар ҳал қилувчи ўрин тутиб, халқимиз азалдан муқаддас Она зотига, хотин-қизларга доимо юксак эҳтиром кўрсатиб келган. **Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор – бу аввало oilага,**

**жамият келажига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланади”.**

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

“Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида – 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида – 21 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади.

Республика бўйича жорий йилнинг май ойида фуқаролар йиғинлари раислиги учун ўтказилган сайловларда 1 минг 25 нафар аёл ўзини ўзи бошқариш идоралари раиси лавозимига сайланди.

Юртимиздаги турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони ҳам ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2017 йили 44,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 45,3 фоизга етган.

Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортиқни, саноатда 38 фоизни ташкил этмоқда. Юртимиздаги жами тадбиркорлик субъектлари таркибида тадбиркор аёлларнинг улуши 29 фоиздан иборатдир”<sup>32</sup>.

2019 йил 11-17 март кунлари БМТнинг Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида Бош котиб Антонио Гутерриш: **“Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда”**<sup>33</sup>, деб таъкидлаган.

Ўтган қисқа даврда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив

<sup>32</sup> Қаранг: Мирзиёев. Ш.М.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-06-2019>

<sup>33</sup> 2019 йил 11-17 март кунлари БМТнинг Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясидан

саломатликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган давлат сиёсатига жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

“Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун зарур шароит яратиш, уларни уй-жой билан таъминлаш бўйича **“Ҳар бир оила – тадбиркор”** дастурини амалга ошириш доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан ўз бизнесини ташкил этмоқчи бўлган 12 минг 651 нафар аёлга 1 триллион 235 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар берилди. Шу билан бирга, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан кам таъминланган оилаларга мансуб 1 минг 949 нафар опа-сингилларимизга 42 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Кейинги пайтда юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида 1 минг 564 нафар хотин-қизлар нафақат уй-жойга, балки иш ўринларига ҳам эга бўлиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётгани ғоят муҳимдир”<sup>34</sup>.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бўйича ўтказилган охириги ижтимоий сўровлар иштирокчиларининг 70,2 фоизи мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилганини қайд этган. Ушбу сўровда катнашган 81,5 фоиз респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишда ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларга халақит бермайди.

Биз доимо аёл – бу она, оиламиз бекаси, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик

---

<sup>34</sup> Қаранг: Мирзиёев. Ш.М.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-06-2019>

жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.

Афсуски, биз узоқ вақт бу масалага етарлича эътибор бермасдан, хурматли опа-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз туфайли йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очиғини айтиш керак, осон бўлмаяпти. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, мухтарам опа-сингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз. Чунки, такрор айтаман, агар аёл, она бахтли бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, бутун жамият, давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади. Сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда хурматли аёлларимизнинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги муҳим вазифаларни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, Сиёсий партияларимиз ўз сафларига билимли, ташаббускор ва ташкилотчи аёлларни жалб этиш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга етарлича эътибор бермаяпти. Бундан ўн йил олдин Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари таркибида хотин-қизлар миқдори 20 фоиздан ортиқ эди. Эндиликда бу кўрсаткич юқори палатада – 17 фоизга, қуйи палатада эса – 16 фоизга тушиб қолди.. Ваҳоланки, БМТ маълумотларига кўра, парламентларда аёлларнинг вакиллиги бутун дунёда ўсиб бормоқда ва 2018 йилда бу кўрсаткич 24,3 фоизни ташкил этган.

Сизларга яхши маълумки, жаҳондаги демократик тажрибадан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигида парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан кўрсатиладиган номзодлар бўйича 30 фоизлик квота белгиланган.

Парламентга ва маҳаллий Кенгашларга сайланадиган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятини беради.

Иккинчидан, Олий Мажлис тизимида хотин-қизлар масалалари билан бевосита шуғулланадиган бирон-бир қўмита мавжуд эмас. 2017 йили Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тузилган аммо ишламаган.

Учинчидан, ўтган икки йилда халқаро андозалар талаблари доирасида аёллар аҳволини тубдан яхшилашга доир 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат

имзоланган ва ижрога қаратилган. Аммо қонун ижодкорлари ўзларининг бу борадаги асосий вазифаси билан шуғулланиш ўрнига, ҳали ҳам “ухлаб” ўтирибди.

Фаоллик ва ташаббускорликни ошириш зарур. Яқин вақт ичида иккита янги қонун, яъни “Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида” ҳамда “Аёлларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Тўртинчидан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари жадал ривожланмоқда. Лекин 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотдан фақатгина 376 таси аёллар муаммолари билан шуғулланади. Бу етарли эмас, албатта.

Аввало, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини кучайтириш;

– аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаши учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш;

– аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишда кўмаклашиш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш;

– қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий билим ва касб-хунарларга ўргатиш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларига кенг жалб этиш;

– меҳр-оқибатли, окқўнгил аёлларимизга мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар (яъни, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш)ни йўқотиш.

**V. Оилаларга таъсирчан методик, консултатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш йўналишида демография, социология, оилавий психология, ижтимоий фаолият бўйича кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизимини**

такомиллаштириш борасида фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссияси фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, низолашиш арафасида ва низоли вазиятда бўлган оилалар билан ишни ташкил қилишнинг янги шакллари ва усуллари жорий этишга аҳамият қаратилади.

Оилаларга тадбиркорлик фаолияти асосида ижтимоий ва психологик ёрдам беришга қаратилган хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, оилалар билан ишлайдиган мутахассислар учун оилаларга таъсирчан услубий, консултатив ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида профессионал супервизия тизимини ишлаб чиқиш, оғир турмуш шароитида қолган шахсларга мўлжалланган ижтимоий мослашув марказлари ва «Ишонч телефонлари» фаолиятини такомиллаштириш вазифалари белгиланади.

**VI. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар** бандида концепциянинг асосий йўналишлари уларни демографик, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги давлат сиёсатининг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланди. Кутилаётган натижалар самарадорлиги ва унга эришиш даражаси Концепцияда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг доимий мониторинги натижалари асосида баҳоланади. Оилани мустаҳкамлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда янги оила моделини шакллантиришга қаратилган қуйидагилар мазкур Концепцияни амалга ошириш самарадорлигининг кўрсаткичлари бўлади:

- фарзанд тарбиясида оиланинг жавобгарлигини ошириш, оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, сақлаш ва ривожлантириш, оила аъзоларининг ҳуқуқларига риоя қилиш;

- оилаларда тинч, дўстона ва аҳиллик муҳитини яратиш, маънавий-маърифий ишларга аниқ мазмун бахш этиш;

- оила институти соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг аниқ мақсадга қаратилганлигини ҳамда долзарблигини таъминлайдиган тизимни жорий қилиш ва тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш;

- оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, оилалар фаровонлигини ҳамда тинч-тотувлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш;

- оилаларга таъсирчан, сифатли, услубий ва консултатив ёрдам

бериш ҳамда оғир турмуш шароитида, уларнинг оилавий муаммоларини ҳал қилишда амалий ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш;

– амалий ва инновацион тадқиқотлар натижалари асосида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда оилалардаги низолар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таълим тизимини такомиллаштириш;

– ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли вазиятларни ҳал қилиш, ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида, шунингдек, оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини оширишнинг самарали шакллари жорий этиш;

– жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлашда, мустаҳкам оилаларни шакллантиришда, соғлом фарзандлар туғилишида, соғлом турмуш тарзига амал қилишда, боланинг оилада яшаш ва тарбия олиш ҳуқуқини таъминлашда, баркамол авлодни тарбиялашда, муносиб кексаликни таъминлашда оиланинг ўрни ва ролини ошириш белгилаб олинди.

Ҳаётимиз асоси, кўрки ва миллатимиз келажаги аёл бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Бугунги кунда ўз ақли, билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва шижоати билан ҳаётнинг ҳал қилувчи соҳаларини тебратиб – бу оила бекалиги бўладими, давлат ва жамият бошқаруви, тиббиёт таълим-тарбия, маданият илм-фан тараққиёти бўладими, фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес тадбиркорлик бўладими мана шундай мураккаб вазибаларни аёллар самарали адо этиб келмоқдалар.

Бугунги кун аёлининг илми, иқтидори, заковати ижодкорлиги, яратувчанлиги дунёни яна бир қарра лол қолдирмоқда. Ўзликни англаш, баркамол шахсни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини яратиш, тарихий кадриятлар, миллий анъаналар давомийлигини таъминлаш, хатто жамиятни демократлаштириш каби глобал муаммоларни аёлсиз, унинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин.

Хотин- қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига эришиш йўлида 1979 йил 18 декабрда муҳим қадам қўйилган эди. Шу куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш туғрисидаги Конвенцияни қабул қилди.



30 та моддадан иборат бўлган Конвенцияда, барча хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий шаклдаги тамойиллари ва чоралари аниқлаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси мазкур конвенцияни 1995 йилда қабул қилган ва Конвенциянинг ижроси юзасидан Республикаимизнинг 5 та даврий маърузаси БМТнинг CEDAW қўмитасида муҳокамала қуйилиб, хотин-қизларнинг ҳолатини янада яхшилаш бўйича зарур тавсиялар бериб келинган.

Маълумки, 2019 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси томонидан БМТнинг CEDAW қўмитасида (Женева ш.) Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш Конвенциясининг бажарилиши бўйича 6-даврий маърузаси тақдим этилади.

БМТнинг хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияси қоидаларини бажариш юзасидан 5-даврий маърузасини кўриб чиқиш якунларига кўра CEDAW Қўмитаси тавсияларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинган.

**2018 йил 16 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.**

Ҳужжат билан кўрсатилган соҳанинг устувор йўналишлари белгиланди, улар сирасида:

– “Жаҳолатга қарши маърифат” улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятларимиз ифодаси эканлигини кенг ёритиш ва бу соҳадаги илмий-маърифий фаолиятни жадал ташкил этиш;

– ислом ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш асосида ёшларнинг онгу тафаккурини шакллантириш;

– динни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган бузғунчи ёт ғояларнинг асл моҳияти ва мақсадлари ҳақида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг хабардорлик даражасини ошириш;

– жамиятда миллий ва диний қадриятларимизга ёт бўлган ғояларга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш;

- жамиятда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, тинчлик ва тотувликни, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг дахлдорлик ҳисси ва иштирокини янада ошириш;

- диний-маърифий ташкилотларнинг моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш, соҳа вакиллари меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;

- глобаллашув шароитида жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга қаратилган ахборот-таҳлилий фаолиятни кучайтириш;

- диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини ривожлантириш асосида таълим сифатини ошириш, диний-маърифий соҳада малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг яхлит тизимини яратиш.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилмасида Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази ташкил этилди, у диний мавзуларга оид адабиётлар, Интернет ва ОАВ материалларини чуқур таҳлил қилиш, диний-ижтимоий муҳитнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш фаолиятини амалга оширадиган ахборот-таҳлилий тузилмаси ҳисобланади.

Ўзбекистон ислом академияси ва Тошкент ислом университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Академия таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги «Зиё» медиа маркази диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, аждодларимизнинг диний-илмий меросини кенг тарғиб қилувчи, диний-маърифий ҳаётдаги янгиликларни жамоатчиликка етказувчи асосий медиа тузилма сифатида шакллантирилади.

Шунингдек, олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди ҳамда 2018 йил 1 ноябрь куни 896-сонли “Ҳадис илми мактаби фаолиятини

ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ҳадис илми мактаби ташкил этилди.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш, мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланиш жадал ривожланишнинг муҳим шarti ҳисоблангани боис ҳам **2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси**<sup>35</sup> тасдиқланди. Унинг бош мақсади инсон капиталини ривожлантириш бўлиб, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида мамлакатни жадал ривожлантириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлашдир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш, барча даражада таълим сифати ва камровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш ҳамда инновацион ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш, соҳани молиялаштиришнинг замонавий ва самарали шаклларини, бошқарувнинг замонавий усуллари ва воситаларини жорий этиш орқали давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, инфратузилмани яхшилаш масалаларини қамраб олган.

Сўнгги йилларда республикада мамлакатнинг инновацион салоҳиятини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишнинг самарали

---

<sup>35</sup> 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Тошкент ш., 2018 йил 21 сентябрь.

механизмларини ишлаб чиқишга, илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва уни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 19 апрелдаги ПҚ-3674-сонли Қарор<sup>36</sup>ига кўра тузилган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Илғор технологиялар маркази фаолияти илмий-тадқиқот ишларини самарали мувофиқлаштиришни, асосий эътиборни амалиётга йўналтирилганлик ва натижадорликка қаратган ҳолда, уларни замонавий фаннинг талабларига ва дунё илмий ютуқларининг даражасига мос келишини таъминлашга қаратилган. Мазкур Қарорга асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академияси, Фанлар Академияси билан биргаликда «Инновацион менежмент» ва «Инвестицион лойиҳаларни бошқариш» фанлари бўйича махсус ўқув дастурларини яратиши ва Давлат бошқарув академиясида раҳбар кадрларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларига жорий этиши белгиланган.

Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларига фундаментал, амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва илғор технологиялар бўйича инновацион ишланмаларни амалга ошириш, дунё талаблари ва стандартлари даражасида мақсадли дастурларни халқаро дастурлар ва жамғармаларнинг грантларини жалб этган ҳолда бажариш, ишлаб-чиқариш корхоналарида тадқиқот-синов ишларини бажариш, олимлар ва тадқиқотчиларни ҳамкорлик қилишга жалб этиш учун зарурий шароитларни яратиш, илмий ҳажмдор маҳсулотлар ва рақобатбардош маҳаллий инновацион технологияларни яратиш мақсадида фан, таълим ва ишлаб-чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш киради. Шунингдек, янги истиқболли ғоялар ва инновацион ишланмаларини шакллантириш, инфратузилмадан ҳамкорликда фойдаланиш, академик, олий таълим ва тармоқ фанлари билан ҳамкорликнинг самарали шаклларини ривожлантириш, ҳамкорликда илмий-тадқиқотларини бажариш, халқаро даражада патентлаш, янги инновацион маҳсулотларнинг намуналарини

---

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар Марказини ташкил қилиш тўғрисида. ПҚ-3674. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. Тошкент ш., 2018 йил 19 апрель.

макетлаштириш, моделлаштириш, инновацион фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш, технологияларнинг трансфери ва интеллектуал мулк объектларини коммерциализациялаш масалалари юзасидан илмий конференциялар, семинарлар, тренинглар ва маҳорат дарсларини ташкиллаштириш.

Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда юқори ўринларни эгаллашига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал муҳитнинг сифатини баҳолаш – иқтисодий ривожланишнинг асосий шарти сифатида дунёда умум қабул қилинган восита ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистонни дунёга кўрсатиш, халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини юксалтириш фақат ва фақат халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ҳамда давлатимиз куч-қудратининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бироқ, шу кунга қадар бизда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими яратилмагани сабабли мамлакатимиз халқаро рейтингларда пастки ўринларни эгаллаб келаётганини ҳам унутмаслигимиз керак.

Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган узоқ истиқболни кўзловчи прагматик сиёсат натижасида кейинги қисқа давр мобайнида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори анча мустаҳкамланди. Дадил ислоҳотлар, креатив ёндашувлар, қутилмаган қарорлар ва шиддатли одимлар туфайли Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлди. Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларимиз кескин кенгайиб, юртимизнинг дунё миқёсидаги ижобий имижини шаклланди.

Олиб борилаётган жадал ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқларга қарамадан амалда ўз ечимини кутиб турган масалалар жуда кўп. Фикримизни асослаш учун қўйидаги маълумотларга назар ташласак. Жаҳон миқёсидаги халқаро ижтимоий-иқтисодий рейтинглар орасида, биринчи навбатда, Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтинги 190 мамлакатда 10 кўрсаткич бўйича бизнес юритиш қулайлиги баҳолайди. “Бизнес юритиш” рейтинги ҳисоботи Жаҳон банкининг ҳар йили ўтказадиган тадқиқотлари натижаси ҳисобланиб, кейинги 5 йил давомида “Бизнес юритиш” рейтингида Ўзбекистон жаҳоннинг 190 мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан

2017 йилда 74-ўринга кўтарилиб, бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислоҳотчи мамлакатларнинг биринчи ўнталигидан жой олди. Ўзбекистон 2022 йилгача Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратишга интиломда. Бу қувонарли албатта. Аммо, БМТ томонидан ишлаб чиқилган, инсон салоҳиятининг асосий хусусиятлари сифатида турмуш даражасини, саводхонликни, таълимни ва узоқ умр кўришни ўзаро таққослаш ва баҳолашни ўз ичига олувчи Инсон камолоти индексида Ўзбекистон ўтган йили 189 давлат орасида 105-ўринга муносиб топилган. Ваҳоланки, бу ҳисоботда Россия Федерацияси – 49, Қозоғистон – 59-поғонада турибди. Ёки Мерос жамғармасининг Иқтисодий эркинлик индекси бўйича 2016 йилги ҳисоботида Ўзбекистон 178 давлат ичида 166-ўринни банд қилиб, эркин иқтисодиётга эга бўлмаган давлат сифатида баҳоланган. Жаҳон иқтисодий форумининг Глобал рақобатбардошлик индексида эса, Ўзбекистон мавжуд эмас. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усулларида бири эса бу юртимизнинг умумэтироф этилган халқаро рейтингларда фаол иштирокини таъминлаш ва ушбу тадқиқотларда муайян натижаларни қўлга киритишдир.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори<sup>37</sup> бу йўналишдаги ислоҳотларнинг яна бир янги босқичини бошлаб берди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизими яратилади. Миллий мониторинг тизимини ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида тадқиқот институтларига халқаро рейтинглар бириктирилиб, улар зиммасига халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш вазифаси юклатилди.

---

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-4210. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. Тошкент ш., 2019 йил 25 февраль.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда” ягона портали ишга туширилади. Мазкур порталда халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботлар, шунингдек, ҳисоботларни ўрганиш ва эълон қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича ишлар аҳволини яхшилашга қаратилган халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг тавсиялари ёритиб борилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда халқаро рейтинг ва индексларда илдамлаш мақсадида, ушбу рейтинг ва индекслар доирасидаги индикаторлар билан чекланиб қолмай, балки параллел равишда Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган барча соҳалардаги вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, хусусий секторнинг ролини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ва бошқа масалаларда қатор чор-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ қилиниб келинмоқда. Таъкидлаш керакки, 2018 йилнинг ўзида давлатимиз раҳбарининг ўндан ортиқ муҳим халқаро ташаббуси тўлиқ амалга оширилди. Жумладан, АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистонни “Диний эркинликни тизимли, давомий ва жиддий равишда бузишда иштирок этувчи мамлакатлар рўйхатидан” чиқарди. 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциянинг қабул қилинди. Бу эса Президентимиз томонидан илгари сурилган халқаро ташаббуснинг дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланганлигининг яққол исботидир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш” назарда тутилган.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПҚ-4273-сонли Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Қарорида мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибadorлигини мустаҳкамлашга қаратилган, давлат бошқарувининг очиклиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бешта йўналишда белгилаб олинган амалга оширилиши лозим бўлган «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид 274 та банддан иборат 2019 йил 17 январдаги Давлат дастурида (ПФ-5635) вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида мамлакатда статистика ахборотидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат статистика ҳисоботини ишончли равишда юритишни шакллантириш, ахборотларнинг умумфойдаланиш учун очиқлик ҳолати, очиқ маълумотларнинг ошкоралик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятга етказишнинг амалдаги механизмларини халқаро талаблар даражасига кўтариш масалаларига эътибор қаратилган. Шунингдек, очиқ маълумотлар портали фаолияти, давлат органлари ва ташкилотларида ахборотни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш вазифаси, халқаро рейтинглар билан ишлаш ва «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар вазифалари ёритиб берилган.

Мазкур Портални фаолиятини ривожлантириш ва амалга оширишга доир Давлат статистика қўмитасига маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, шу жумладан маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ички ва бошқа ҳужжатлар ҳамда улардан фойдаланиш, маълумотларга тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларидан беғараз асосда маслаҳат ёрдамини олиш, Портални такомиллаштириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари жалб этиш ҳуқуқлари берилган.

Қарорда<sup>38</sup> очиқ маълумотлар порталини такомиллаштириш бўйича комплек чора-тадбирлар, очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишга масъуллар, «Очиқ маълумотлар глобал индекси» ва «Очиқ маълумотлар барометри» талаблари ва индикаторларга мувофиқлик, Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг мақсадли кўрсаткичлари, Халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиқлиги индексида 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг иштироки масалаларига аниқлик киритилган.

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси. ПҚ-4273. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Тошкент ш., 2019 йил 9 апрель.



Порталда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг эълон қилинадиган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончилиги, унинг ўз вақтида шакллантирилиши ва янгилаб турилиши, ахборотнинг мазмуни ва сифати, Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси ахборотларининг ошкоралиги ва фойдаланиш эркинлигини таъминлаш вазифалари ҳамда,

Агентлик эса зарур ахборотни олишда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиши, маълумотларни мунтазам янгиланиб туриши қатъий белгилаб қўйилган.

#### **2.4. Таълим-тарбия миллий юксалишнинг муҳим омили. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.**

«Ёшларга оид Давлат сиёсати» тўғрисидаги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 12 августда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 24 августда маъқулланди. Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборатдир. Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Фармон бандларидан бирида «Буюк давлат арбоби ва саркарда Соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олган ҳолда, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби» номи берилсин», деб белгиланган.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, «Темурбеклар мактаби», «Президент мактаблари», «Ижод мактаблари» деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Республикамизда ёшларга бўлган имкониятлар туфайли кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди. Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури доирасида 719 млрд сўмлик 4 633 та бизнес лойиҳалар амалга оширилди. Худудларда 125 та “Ёшлар меҳнат гузари”, 19 та “Ёш тадбиркорлар” коворкинг маркази, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга 1 731 та “Ёшлар уйлари” қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ: Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3504-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш, санъат ва маданият соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2018 йил

3 февралдаги ПҚ-3504-сон қарори билан санъат ва маданият коллежлари битирувчиларига давлат намунасидаги диплом бериладиган ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларга яъни «Ижод мактаблари»га айлантирилди. Улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари ҳамда алоҳида Президент мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда

Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва номли давлат стипендиялари таъсис этилди.

Барча талабаларнинг катта орзу ва мақсади бўлмиш имтиёзли давлат стипендиялари ҳар йили ўзининг янгидан янги эгаларини топиб бормоқда. Давлат стипендияси соҳибига айланиш талаба учун нафақат моддий рағбат, балки юксак ном ва эътироф ҳамдир. Хўш, минглаб, борингки миллионлаб талабгорларни ўзига оҳанрабодек чорлайдиган Президент стипендияси ва номли давлат стипендияларини қандай қўлга киритиш мумкин?

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Имом ал-Бухорий номидаги давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият бўйича ўқиётган охириги икки курс талабаларига тайинланади. Номли давлат стипендияларига талабгор талаба кўйидаги мезонларни бажариши талаб этилади: Фанларни аъло баҳога ўзлаштириши; Илмий (ижодий) ишларда иштирок этиб ўзини кўрсатиши; Давлат тилидан ташқари яна битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиш, бакалавриятдаги таълим йўналиши хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиши; Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар учун эса ўқиш олиб бориладиган тилни қўшимча равишда билиш талаб қилинади. Кейинги йилларда Президентимиз томонидан халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилиниб, бу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди.

Ота-оналар, жамоатчиликнинг истаклари инобатга олиниб, юртимизда

11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди. Сўнгги уч йилда юртимизда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилди. Мамлакатимизда 2019 йил 4 сентябрь ҳолатига кўра, 2018 йилга нисбатан мактаблар сони 213 тага, ўқувчилар сони 338 минг нафарга, ўқитувчилар сони 14 минг нафарга, ўқувчи ўрни 320 мингга, тармоқ мактаблари сони 69 тага, ижод мактаблари сони 3 тага кўпайди.

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганлиги сабабли унинг билан боғлиқ бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хулосалар чиқариш амалий аҳамиятга эга. Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимни анъанавий усуллари ўрнида интефаол усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, глобаллашув жаарёнининг айниқса тарбия соҳасига кўрсатаётган айрим ғаразли, носоғлом ғоявий-мафкуравий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уни ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Юртимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимоқда. Бу борада “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурларимиз аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида юзлаб туман, шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий қиёфаси тубдан янгиланимоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 19 март куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган комплекс чора тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни илгари сурди.

Ана шу 5 та муҳим ташаббус эзгу ғоя сифатида Президентимизнинг

Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида бошланиб, қисқа вақтда улкан ишлар амалга оширилди. Бу ишлар Тошкент вилояти Бўка туманида ва Наманган вилоятида ҳам давом эттирилиб, “Маърифат карвони” ташкил этилди.

Ушбу 5 ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзаётган 5 муҳим ташаббусни амалга оширишда жуда катта эзгу ғоя, ҳикмат, илмий тафаккур маҳсули бўлган улуғ мақсад-муддаолар бор.

Булар қуйидагилар: **Биринчи ташаббус** – ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Чунончи, фарзандларимизни мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатга ошно қилишга қаратилган биринчи ташаббус юксак дид, юксак фаросат соҳибларини тарбиялашга қаратилган интилишларни ўзида мужассам этган. Ахир биргина мусиқанинг ўзи инсон руҳиятига беқиёс ижобий таъсир этувчи кудратли кучдир. Санъат, шубҳасиз, инсонни, борлиқни англашга, унинг бор жозибадорлигини ҳис этишга ўргатади, эзгуликка чорлайди.

Мазкур ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшни маданият ва санъат соҳасига жалб этиш кўзда тутилган. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида кўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўғараклари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этилади.

**Иккинчи ташаббус** – ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Ёшларни жисмоний тарбия, жисмоний маданият, спортга ошно қилиш – ҳар томонлама соғлом авлодни камолга етказиш демакдир. Чунки фақат қадди-басти тик, жисмонан бақувват ва соғлом, руҳан тетик, ақлан расо ўғил-қизларгина комилликка даъвогар бўлади.

**Учинчи ташаббус** – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Эртамиз эгаларининг ҳозирги ахборот технологиялари асрида замон билан ҳамнафас яшашига имкон яратади.

Бугун компьютер – қоғоз-қалам, калькулятор, телевизор, газета даражасидаги янги восита, ўқув қуроли. замонавий билим манбаи. Интернет – бутун бошли халқаро кутубхона, чексиз имкониятлар дунёси. Жаҳонга юз

тутаётган Ўзбекистон фарзандлари тенгдошларидан ортда қолмасин, десак, улар шу воситаларни қўллаш кўникмасини эгаллаши шарт.

**Тўртинчи ташаббус** – ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш тўртинчи ташаббуснинг асосини ташкил этади. Зеро, юксак дид, юксак фаросатга эга, жисмонан соғлом, замонавий ахборот технологияларини пухта эгаллаган ёшларимиз, албатта, илмли, маърифатли бўлиши керак. Билим, тафаккурни шакллантириш манбаи эса – китоб. Усиз камолотга, маърифатга, маънавиятга эришиб бўлмайди.

**Бешинчи ташаббус** – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди. Хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган бешинчи ташаббуснинг аҳамияти ҳам чексиз. Унинг моҳиятида жамиятда хотин-қизлар ўз ўрнига, мавқеига эга бўлсин, деган эзгу мақсадлар мужассам. Бу гендер тенглиги, муносиб меҳнат тарбияси, аёлларимизни меҳнатга ошно қилиш учун бирламчи шароит бўлган янги иш жойи дегани. Президентимиз Шавкат Миромонович таъкидлаганларидек **“Беш ижобий ташаббус”** доирасида бошланган ишларимиз тобора кенг тарқалмоқда, халқимиз бу ҳаракатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, хотин-қизлар бандлигини оширишга доир бешинчи ташаббус бўйича 2019-2020 йилларда ҳар бир туманда тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун қарийб 57 мингта янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Бу лойиҳалар ўзининг дастлабки натижаларини бермоқда. Лекин уларнинг самарасини ошириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак<sup>39</sup>.

Бир сўз билан айтганда, беш ташаббус – нозик дид, кенг тафаккур ва дунёқарашга эга, жисмонан ва руҳан соғлом фарзандларимизнинг ўз келажагини ишонч билан қуришлари ҳамда Ватан равнақига ҳисса қўша оладиган етук инсон бўлиб етишишларига мустаҳкам заминдир. Беш ташаббус – маданият, маърифат, маънавият ва спорт, компьютер ва ахборот

---

<sup>39</sup> Қаранг: Мирзиёев. Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи. <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-06-2019>

технологиялари ва янги иш ўринларини ўзида бирлаштирган ягона инновацион ҳудуд, макон, муҳит демакдир.

**Беш ташаббус** – шахс камолоти учун зарур бўлган 5 муҳим омилни, хусусият, хислат, фазилатни шакллантириш учун ягона маконда барча зарур шарт-шароитларни яратиш демакдир. **Беш ташаббус** – “Юртимизга хизмат қилишда виждонли, инсофли ва ҳалол бўлишимиз шарт!”, дея қатъий аҳд қилган, зеҳни ўткир, маданиятли, виждонли, ватанпарвар, жисмонан чиниққан, креатив фикрлайдиган, дунёдаги илғор тенгдошлари билан рақобатлаша оладиган ёшларни тарбиялаш демакдир.

**Беш ташаббус** – янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги авлодини шакллантиришнинг энг мақбул парадигмаси – концепциясидир.

Агар ушбу ташаббусларнинг барчаси бир жойда, яъни маҳаллада мужассамлашса, билингки, шу маҳалла фарзандлари бахтиёр вояга етади. Ўз ишига, даромадига, оилавий фаровонликка эришган шу ҳудуд хотин-қизларидан бахтли аёллар бўлмайди. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган ғоянинг асл қадр-қиммати ва моҳияти ҳам шунда.

Маҳаллаларда маданият марказлари, замонавий кутубхоналар, китоб ўқиш учун сокин жойлар, замонавий тўғараклар, компьютер ва тезкор интернет, Wi-Fi ҳудудлари, коворкинг хоналари, рақамли технологиялар ўқув марказлари, амфитеатрлар, универсал спорт майдонлари бунёд этилмоқда. Бу объектлар зарур ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар, мусиқа ва чолғу асбоблари, спорт жиҳозлари, оптик толали алоқа линиялари билан таъминланмоқда. Хотин-қизларимиз учун муқим, муносиб иш ўринлари яратилапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 3 апрель куни ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган 5 та ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Уларга асосан ҳар бир йўналиш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқиш вазифалари юклатилади.

Йиғилишда мазкур дастурларга киритилган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди. Хусусан, **биринчи ташаббус** бўйича ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этишга оид дастур лойиҳаси тайёрланган. Унга мувофиқ, 2019–2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион нафар ёшларни маданият ва санъатга жалб этиш

бўйича ҳудудий “йўл харита”ларини тасдиқлаш кўзда тутилади. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида кўшимча синфлар, маданият марказларида чолғу, хонандалик, тасвирий санъат тўғараклари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамбллари ташкил этиш белгиланади. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирланадиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказлари манзилли рўйхати ҳам шакллантирилади.

Шавкат Мирзиёев дастур лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва туманга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намояндаларининг амалий вазифалари аниқ белгиланмаганини қайд этди. Ҳудудий “йўл харита”лари ижросини тизимли ташкил этиш, тўғарак ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, ҳар хил танловлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади.

Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа чолғулари билан таъминлаш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди.

**Иккинчи ташаббус** юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳасида яқин 2 йилда ҳар бир туманда енгил конструкцияли, сендвич панелли кичик спорт заллари қуриш белгиланган. Президент мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенгроқ жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

**Учинчи ташаббус** – аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларига оид дастур доирасида 2019–2020 йилларда туман ва шаҳарларда рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингга яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилмоқда. Йиғилишда аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиққан болаларни тўғри йўналтириб, уларни малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.



Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳаси **тўртинчи ташаббус** мақсадларини амалга оширишга қаратилган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий, оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш ҳам белгиланган.

**Бешинчи ташаббус** бўйича ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрланган. 2019–2020 йилларда ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёлларни банд этиш кўзда тутилмоқда.



## Назорат саволлари:

1. Демократик жамият куришда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ва унинг муҳим шарти.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари.
3. Глобаллашув ва таълим-тарбиянинг долзарб масалалари.
4. Демократик жамият ривожланишининг таълим-тарбия билан боғлиқлиги. Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар. Модернизация ва инновация жараёнлари.
5. Жамият ривожланиши ва таълим-тарбия жараёнларида кадрлар салоҳиятининг ошиб бориши ва унга қўйилган янги талаблар.
6. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари” йили Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари.
7. Ёшларга оид давлат сиёсати.
8. “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоя ва технологиялар” йили Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари.
9. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” йили Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари.
10. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси.
11. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.
12. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
13. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
15. Мамлакатимизда ўқитувчилар мақомининг тобора ошиб бориши – таълим–тарбия сифати юксалишининг муҳим омили сифатида.
16. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.
17. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг демократик ислохотларни ривожлантиришдаги муҳим аҳамияти.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

## IV. КЕЙСЛАР

### 1-кейс учун мавзу

Жамият ривожининг янги назарий-концептуал асосларини Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳамда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов асарларига таянган ҳолда асосланг.

### 2-кейс учун мавзу

И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч асари асосида” глобаллашув ва таълим-тарбиянинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил этинг.

### 3-кейс учун мавзу

Сиз фаолият олиб бораётган олий ўқув юртида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар бўйича тажрибаларни ўртоқлашинг, таклиф ва тавсиялар билдиринг.

### 4-кейс учун мавзу

Демократик ислоҳатларни изчил давом эттиришдан кўзланган мақсад нималардан иборат эканлигини илмий асосланг.

### 5-кейс учун мавзу

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари нималардан иборат. Қиёсий таҳлил этинг.

### **6-кейс учун мавзу**

Давлат ва жамият ривожланишини янада такомиллаштириш стратегияси: асосий йўналишлари ва янгича шаклларини моҳиятини ёритиб беринг.

### **7-кейс учун мавзу**

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришларни аҳмиятини қандай баҳолайсиз.

### **8-кейс учун мавзу**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан янги босқичга кўтариш истиқболлари ҳақидаги фикрларини асосланг.

### **9-кейс**

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий йўналишлари ва инсон капиталини ривожлантириш масалаларини илмий асосланг.

## V. ГЛОССАРИЙ

Тушунчалар	Уларнинг шархи
<b>ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ –</b>	Демократик принципларга, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устувор бўлган, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институтлари амал қиладиган жамиятдир.
<b>ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ –</b>	Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимият тизимидир.
<b>КУЧЛИ ДАВЛАТ –</b>	Давлат манфаати устувор бўлган, бошқарувнинг нодемократик принципларига асосланган, ягона мулк, мафкура ҳуқумрон бўлган, маъмурий буйруқбозлик ва тоталитар режим устун бўлган давлат кўринишидир.
<b>ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ –</b>	Ижтимоий макон бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари устуворлиги принципи асосида, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишга асосланган жамиятдир.
<b>ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ –</b>	Фуқароларни тегишли ННТ, жамият бирлашмалари ва ҳақозолар орқали давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирокни таъминлашни устувор мақсади этиб белгилаб олган институтлар.
<b>НОМАРКАЗЛАШТИРИШ</b>	Марказий давлат ҳокимияти айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимиятига ва ўзини-ўзи бошқариш институтига босқичма-босқич ўтиб боришидир.
<b>ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ –</b>	Инсон ҳуқуқлари ва қонун устувор бўлган, ҳокимият бўлиниши принципига асосланган, халқ ҳокимиятининг бирдан бир манбаи эканлиги, демократик сайлов принципларига асосланган давлатдир.

<p><b>ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИ ЦИВИЛИЗАЦИОН ТУШУНИШ –</b></p>	<p>Тараққиёт ва демократия моделларининг, маданиятлар хилма-хиллигига, тараққиётда миллий ва умуминсоний демократик принциплар уйғунлигига асосланган ёндашувлар тизимидир.</p>
<p><b>ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА ИНСОН ОМИЛИ –</b></p>	<p>Инсонни жамият ривожланишининг муҳим шарты, инсоннинг муносабатига, тараққиётга боғлиқ деб ҳисоблаш.</p>
<p><b>“ОНГ – ТАФАККУР ЎЗГАРМАСА, ҲАЁТ ЎЗГАРМАЙДИ” ҒОЯСИ –</b></p>	<p>Инсон онг ва тафаккурининг ўзгариши, унинг ижтимоий ҳаётига фаол таъсир кучига, бунёдкорлик хусусиятига эга эканлигини англатади.</p>
<p><b>БОШҚАРУВ ШАКЛИ –</b></p>	<p>бу ҳуқуқий институт бўлиб, давлат ҳокимиятини ташкил этиш тартиби. Олий ва маҳаллий давлат органларини тузиш усулини ҳамда уларнинг бир-бири ва аҳоли билан ўзаро муносабатлари тартибини ўз ичига олади.</p>
<p><b>ВОТУМ –</b></p>	<p>(<i>лот. votum — хоҳиш, ирода</i>) – сайлов жамоаси ёки вакиллик муассасасининг кўпчилик овози билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикри ёки қарори. Масалан, сайлов вотуми — президент, парламент, муниципалитет ва бошқаларга сайловларда сайлов кампаниясининг натижаси. Бошқарувнинг парламентар шаклидаги давлатлар парламенти амалиётида вотум — қоидага кўра, қуйи палатанинг ҳукумат ёки алоҳида вазирнинг сиёсий йўли, муайян хатти-ҳаракати ёки қонун лойиҳасини маъқуллаши (<b>ишонч</b> вотуми) ёки маъқулламаслигидир (<b>ишончсизлик</b> вотуми). Ишонч вотуми тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббускори ҳукуматнинг ўзи, парламент фракцияси ёки депутатлар гуруҳи бўлиши мумкин. Ҳукуматга ишончсизлик билдирилиши амалиётда шу ҳукуматнинг истеъфо беришига ва янги ҳукуматни тузишга (ҳукумат танглигига) ёки</p>

	<p>парламентни (қуйи палатани) тарқатиб, парламентга муддатидан олдин сайловлар ўтказишга олиб келиши мумкин. Иккинчи вариант ҳукуматга парламентни муддатидан олдин тарқатиб юборишни пўписа қилиш ва шу орқали номаъкул қонун лойиҳаларини парламентдан ўтказиш имконини беради. <b>Кўплик (плюрал)</b> вотум – айрим мамлакатларда бундай вотумга кўра сайловчиларнинг айрим тоифаси сайловда икки ёки ундан ортиқ овозга эга бўлади. <b>Билвосита (эвентуал)</b> вотум – мутаносиб сайловлар тизимида овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиби, унга кўра маълум номзодга берилган ва сайлов квотасидан ортиқча бўлган овозлар шу партия рўйхатидаги бошқа номзод ҳисобига ўтказилади. <b>Мажбурий</b> вотум - айрим мамлакатларда барча юридик салоҳиятли фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайловларда иштирок этиш бўйича юридик мажбурияти (бу тартибни бузганларга жарима солиниши мумкин).</p>
<p><b>ВЕТО</b> –</p>	<p>(лот. <i>Veto</i> - тақиқлайман) — ҳозирги замон давлатларида қандайдир бир органнинг қарорини тўхтатиб қўядиган ёки кучга киришга йўл қўймайдиган ҳаракат. Давлат бошлиғига парламент қабул қилган қонунларга Вето қўйиш (қарорларни тақиқлаш) ҳуқуқининг берилиши алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ветонинг <b>мутлақ</b> (ёки <b>резолотив</b>), бунда давлат бошлиғи парламент қабул қилган қонунни узил-кесил қайтариш ҳуқуқига эга бўлади ва <b>нисбатан (кечиктирадиган ёки суспенсив)</b> турлари фарқланади.</p>



<b>ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ –</b>	давлат органларининг ташкиллаштирувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти бўлиб, қонун асосида амалга оширилади. Бу фаолиятни давлат бошқарув органлари амалга ошириб, ижро этиш жараёнида қонунларнинг ва унга асосланган ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш учун фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлади.
<b>ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИ –</b>	давлат томонидан бошқарув соҳасидаги вазифалар қандай ҳал қилиниши тушунилади. Давлат ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамда вазифа ва функцияларни бажариш учун турли хил усуллардан фойдаланади. Ишонтириш ва мажбурлаш кенг тарқалган маъмурий усуллардир.
<b>ДАВЛАТ БОШЛИҒИ –</b>	(инглизча “head of the state”) - олий давлат лавозими бўлиб, у ижро ҳокимияти соҳиби ва ташқи муносабатлар соҳасида давлатнинг олий вакили ҳисобланадиган шахс. Монархияларда — Буюк Британия, Дания, Швеция, Испания, Японияда – д.б. монарх (король, император, эмир) бўлиб, унинг ҳокимияти қоидага кўра, ҳукмрон шажара вакилидан кейингисига қонунга биноан мерос тариқасида ўтказилади. Республикаларда (Италия, Франция, ГФР, АҚШ, Лотин Америкаси давлатлари ва б.) д.б. президент бўлиб, у ёки бевосита аҳоли томонидан сайланади (Мексика, панама, Колумбия), ёки билвосита (АҚШ, Аргентина), ёхуд кўп босқичли сайловлар (Италия, ГФР, Ҳиндистон) натижасида сайланади. Кўпчилик давлатларда индивидуал давлат раҳбари мавжуд, президентлик республикаларида давлат раҳбари айна пайтда ҳукумат раҳбари ҳам ҳисобланади. (АҚШ, Мексика, Аргентина, Африканинг айрим

	давлатларида).
<b>ДАВЛАТ ОРГАНИ –</b>	давлат механизмининг таркибий қисми бўлиб, у давлат олдида турган вазифа ва функцияларнинг муайян конкрет қисмини, йўналишини амалга оширади ва шу мақсадда тегишли давлат-ҳуқуқий ваколатларга, зарурий компетенцияга эга бўлади.
<b>ДЕПУТАТ –</b>	(лотинча <i>deputatus</i> – “вакил”) – қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига сайланган шахс, аҳолининг маълум қисми – ўз сайлов органи сайловчиларнинг ёки бутун миллатнинг вакили.
<b>ДЕПУТАТНИНГ РАСМИЙ (СЎРОВИ) ТАЛАБИ –</b>	вакиллик муассасаси депутатининг давлат бошқарув органига ёки мансабдор шахсга мазкур вакиллик муассасаси ваколатига кирадиган масала бўйича ахборот ва тушунтиришлар бериш талаби билан мурожаати.
<b>ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ –</b>	фуқаролик жамияти институтларининг муҳим шаклларида бири бўлиб, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат ташкилоти сифатида эътироф этилади.
<b>ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ –</b>	фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, айниқса, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан олиб бориладиган ижтимоий назорат шаклларида

	биридир.
<b>КЎППАРТИЯВИЙЛИК</b> –	<p>ҳозирги демократик давлатларда сиёсий ҳаётни ташкил этишнинг асосий конституциявий принципларидан бири, сиёсий ва мафкуравий плюрализмни анча умумийроқ бўлган принципнинг ифодаси ҳисобланади. Кўппартиявийлик принципи юридик жиҳатдан давлат фуқароларнинг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқини, барча сиёсий партияларнинг қонун олдида тенглигини, улар фаолияти эркинлигини тан олиши ва қафолатлашини англатади.</p>
<b>МАНДАТ</b> –	<p>(лот. <i>mandatum</i> - топшириқ) — бирорта вакиллик муассасаси депутати ваколатларининг қонунийлигини, депутат ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, парламент ёки бошқа вакиллик ҳокимияти органи депутати зиммасига юклатиладиган оммавий вазифа, унинг мазмуни (мандат характери) конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Ҳозирги демократия давлатларида Мандатнинг ҳуқуқдорлиги депутатнинг дахлсизлиги (<b>иммунитет</b>) ва депутатлик фаолияти учун тақдирлов пули олиш (<b>имдемнитет</b>)ни ўз ичига олади. Мандат депутатнинг ўз сайловчилари билан ўзаро муносабат шаклини ҳам белгилайди. Ҳозирги демократия давлатларида <b>умуммиллий</b> Мандат деб аталмиш мандат бор, унга кўра депутат қандайдир аниқ бир сайлов округининг эмас, балки бутун миллат вакили ҳисобланади. Депутат ўз фаолиятида ҳеч қандай наказ билан боғланиб қолиши мумкин эмас (<b>императив</b> Мандат билан)</p>

	<p>ва ўз Мандати муддати тугамагунча чақириб олиниши мумкин эмас. Кўпгина давлатлар (Италия, ГФР, Франция ва бошқалар) конституцияларида императив Мандатни бевосита тақиқловчи кўрсатма бор. Советлар типигаги конституциялар императив Мандатни, яъни депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини қарор топтиради, унга кўра сайловчилар ўз депутатларига наказлар бериш ва уларни қонунда белгиланган тартибда чақириб олиш ҳуқуқига эга (шунингдек, қ. <i>Депутатлар наказлари. Депутатларни чақириб олиш Миллий вакиллик принципи</i>).</p>
<p><b>НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ТУШУНЧАСИ –</b></p>	<p>нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.</p>
<p><b>ОМБУДСМАН –</b></p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент</p>

	назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.
<b>ОШКОРАЛИК –</b>	демократиянинг зарур шарти бўлиб, жамоатчиликнинг муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятига оид барча маълумот ва хабарларни билиш ҳуқуқи ҳамда тегишли ахборотларни муҳокама ва назорат этиш учун рўй-рост эълон қилишдир.
<b>ПАЛАТАЛАРНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ –</b>	икки палатали тузилмага эга бўлган парламентлар иш шаклларида бири. Қатор мамлакатларда парламентнинг қўшма мажлиси парламент ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни: уруш ҳолати ёки сафарбарликни эълон қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, республика Президентини сайлаш ва шу кабиларни ҳал қилиш мақсадида, бошқаларида эса фақат давлат бошлиғи мактубини тинглаш ва бошқа тантанали ҳолатлар ўтказилади.
<b>ПАРЛАМЕНТ (депутатлар) ФРАКЦИЯСИ –</b>	икки палатали тузилмага эга бўлган парламентлар иш шаклларида бири. Қатор мамлакатларда парламентнинг қўшма мажлиси парламент ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни: уруш ҳолати ёки сафарбарликни эълон қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, республика Президентини сайлаш ва шу кабиларни ҳал қилиш мақсадида, бошқаларида эса фақат давлат бошлиғи мактубини тинглаш ва бошқа тантанали ҳолатлар ўтказилади.
<b>ПАРЛАМЕНТ –</b>	(ингл. parliament, франц. parlement — гапирмоқ) — демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. Буюк Британия, Франция, Италия, Канада Бельгия, Молдова, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда олий вакиллик органи “парламент” деб юритилади; АҚШда ва Латин Америкасининг кўпгина

	<p>мамлакатларида п. конгресс деб, Россия Федерациясида – Федерал Мажлис – Россия Федерацияси Парламенти деб, Литва ва Латвияда – Сейм деб аталади. Тузилишига кўра п. бир палатали ёки икки палатали бўлади (қаранг: Икки палатали тизим, Бир палатали тизим). Тарихда уч палатали п. ҳам бўлган (масалан, ЖАРда 1984-1994 йилларда). П. биринчи марта XIII асрда Англияда табақаларнинг вакиллик органи сифатида ташкил қилинди.</p>
<p><b>ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ –</b></p>	<p>давлат назорати шаклларида бири. Асосан умуман сиёсий, баъзи ҳолда маъмурий тусда бўлади. Парламентар давлатларда ва президентлик республикаларида ҳукумат фаолияти устидан Парламент назорати алоҳида аҳамият касб этади. Бундай назоратнинг асосий метод ва шакли ишонч тўғрисидаги масала, танбеҳ резолюцияси, интерпелляция, ҳукуматга оғзаки ва ёзма саволлар (парламент саволлари) парламент текширишидир.</p>
<p><b>ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ –</b></p>	<p>парламентар давлатларда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг шаклларида бири. Парламент саволларини депутатлар оғзаки ва ёзма беришлари мумкин. Парламент регламенти Парламент саволлари берилиши мумкин бўлган қоидаларни, уларни киритиш тартибини, шунингдек, ҳукумат ёки алоҳида вазир жавобни тақдим этиши лозим бўлган муддатни белгилайди. Умумий қоидага кўра, Парламент саволига жавоб Парламент саволи қандай шаклда (оғзаки ёки ёзма) берилган бўлса, шундай шаклда қайтарилади. Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти бошқарув органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик</p>

	палатаси мажлисларида берадилар.
<b>ПАРЛАМЕНТНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИШ –</b>	парламентар давлатларда, шунингдек, аралаш турдаги республикаларда давлат ҳокимиятини амалга ошириш конституциявий механизмнинг асосий элементларидан бири. Парламентни тарқатиб юбориш (муддатидан олдин парламентга сайловларни эълон қилиш) ҳуқуқи давлат бошлиғига тегишли (гарчи бундан у, қоидага кўра фақат ҳукумат “илтимосига” биноан фойдалансада) ҳамда у ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги тартиботига (институтига) қарши қўйиладиган тартиб ҳисобланади.
<b>ХУСУСИЙЛАШТИРИШ –</b>	“жисмоний шахсларнинг” ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.
<b>ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИ –</b>	давлатнинг бирор бир органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.
<b>ҲИСОБ ПАЛАТАСИ –</b>	давлатдаги олий молиявий (молиявий-иқтисодий) назорат органининг дунёда энг кенг тарқалган номи. Худди шу номда Венгрия, Греция, Испания, Португалия, ГФР, РФ ва қатор бошқа мамлакатларда ишлатилади. АҚШда Бош ҳисобот бошқармаси, Бразилия, Жазоир, Франция, Руминияда – <b>ҳисоб суди</b> деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июнда “Ҳисоб палатасини ташкил этиш

	<p>тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонга кўра, Ҳисоб палатаси ўзининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисга ҳисобот беради. Ҳисоб палатасининг асосий вазифаси давлат бюджети ижросини назорат қилиш, давлат актив ва пассивларни ҳолати ва ҳаракатини назорат қилиш каби ваколатларни амалга оширади.</p>
<p><b>ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ –</b></p>	<p>давлат назариясининг асосий принципларидан бири бўлиб, унга кўра ягона давлат ҳокимияти мустақил ва бир-бирига бўйсунмайдиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади (улар билан бир қаторда баъзан таъсис этувчи, сайловчи ва назорат ҳокимияти ҳам ажратилади).</p>
<p><b>ҲУКУМАТ –.</b></p>	<p>давлатнинг олий коллегиял ижро этувчи органи. Ҳукумат турли мамлакатларда турлича номланиши мумкин: Вазирлар кенгаши (Франция, Италия, Польша), Вазирлар Маҳкамаси (Буюк Британия, Ўзбекистон), Давлат кенгаши (ХХР) ва бошқалар. Ҳукумат <b>партиясиз</b>, бир партияли ва коалицион бўлиши мумкин. Президентлик республикаларида (шундай орган конституцияда назарда тутилганларида) Ҳукуматни президент тузади, бунда у тайинлаган Ҳукумат аъзоларидан ҳар бири қатор мамлакатларда (Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда) парламент томонидан тасдиқланиши керак.</p>
<p><b>ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ –</b></p>	<p>чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига кўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка</p>



	<p>доир ҳуқуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромадга айтилади.</p>
<p><b>ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ –</b></p>	<p>табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табiiй муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади.</p>

## VI. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
8. Каримов.И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш оstonасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947- сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **III. Махсус адабиётлар.**

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. Муаллифлар гуруҳи. – Тошкент: Маънавият, 2019.

27. Салимов О. ва бошқ. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. - Тошкент, 2019.

28. Отамуродов С., Отамуродов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.

29. Отамуратов С. Глобаллашув: Миллатни асраш масъулияти (сиёсий-фалсафий қирралар).–Тошкент: “O’zbekiston”, 2018. – 352 б.

30. Куронов М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2019 йил 23 август.

31. Саифназаров И. Обидов А. Динлараро ҳамжиҳатлик-ижтимоий барқарорлик омили. –Т.:Иновацион ривожланиш, 2018.

### **IV. Интернет сайтлари**

32. <https://president.uz> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.

33. <https://www.gov.uz> - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.

34. <https://strategy.uz> – “Тараққиёт стратегияси” маркази веб-сайти.

35. <http://ziyonet.uz> – Ziyonet таълим портали.

36. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий веб-сайти.

37. <http://lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий веб-сайти.

38. <http://senat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати расмий веб-сайти.

39. <http://uza.uz> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги портали.

40. <http://huquqburch.uz> – Ҳуқуқий ахборот портали.

